# Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида Наманган вилоятида амалга ошириладиган ишлар юзасидан

# ЙЎЛ ХАРИТАСИ

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Муддати | Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари) | Масъул ижрочилар | Ижроси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ** | | | | | | |
| 1. | **6-банд.**<br>Маҳаллаларнинг **“ўсиш нуқталари”** ва уларда яшовчи аҳолининг **тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан** келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, **фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш** тизимини кучайтириш. | 1. Маҳаллада **бир турдаги ихтисослашувда фаолият юритаётган аҳолини** қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.<br>2. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифаларидан бири сифатида йил давомида маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида уни **ўрта ва қисқа муддатда ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш** амалиётини йўлга қўйиш. | 2022 йил август | Ҳисоб-китобларга асосан | Вилоят ҳокиминнг ўринбосарлари **Т.Юсупов, А.Мансуров,**<br>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси **И.Абдуғаниев,**<br>Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази **Ш.Имамов,**<br>Молия бошқармаси **З.Бахриддинов,**<br>Савдо-саноат палатаси **Қ.Джамалов,**<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Вилоятда 788 та маҳаллалар бўлиб, бугунги кунда ҳар бир маҳаллага тайинланган ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўрта ва қисқа муддатда ривожлантириш бўйича 4-чорак учун мўлжалланган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, иш ташкилланмоқда.<br>Бугунги кунда иш режа асосида ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллалардаги 526,8 минг (100 фоиз) хонадонлар хатловдан ўтказилиб, уларни иқтисодий-ижтимоий аҳволи бўйича<br>4 тоифага ажратиб олинди:<br>Жумладан,<br>- намунали хонадон 205 145 та;<br>- ўрта хонадон 204 539 та;<br>- эҳтиёжманд 75 579 та;<br>- ногиронлиги мавжуд 38 708 та хонадонлар ажратиб олинди.<br>1. III-чорак якунида 788 нафар ҳоким ёрдамчиларидан 254 нафари (32,2%) аъло натижа, 470 нафари (59,6%) яхши, 57 нафари (7,2%) қониқарли ҳамда 7 нафари (0,9%) қониқасиз натижа кўрсатди.<br>Жорий йил январь-ноябрь ойларида ҳоким ёрдамчиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ҳоким |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ёрдамчиларини аввалги иш жойларидаги иш ҳақилари тафоввутини қоплаб бериш учун 5 162 млн.сўм ва самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) рағбатлантириш учун 12 502 млн.сўм маблағлар тўлаб берилди.<br>Шунингдек, 229,8 минг нафар фуқаролар даромадли иш ўринлар билан таъминланди.<br>(61 953 та доимий иш ўрнига, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 13 322 та, ўзини-ўзи банд қилиш ҳисобига 90 078 та, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳисобига 19 111 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этиш ҳисобига 5 071 та). |
| 2. | **10-банд.**<br>Маҳаллий ижро ҳокимияти органларини **демократик тамойиллар асосида шакллантиришнинг** ҳуқуқий асосларини яратиш. | 1. Ҳудудларда амалга ошириладиган давлат органларининг вазифалари бўйича **“ваколатлар реестри”ни шакллантириш**, такрорланадиган **500 дан ортиқ функцияларни мақбуллаш-тириш**.<br>2. Маҳаллий ҳокимликларнинг ҳар бир **вазифа ижроси**, шунингдек **сарфланаётган маблағлар юзасидан** жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш. | 2022 йил июнь | Ҳисоб-китобларга асосан | Вилоят ҳокимлигининг юридик хизмати рахбари **А.Дадаханов,** Адлия бошқармаси **Х.Собиров,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasi toʻgʻrisida”gi PF–60-son Farmoni ijrosi boʻyicha Namangan viloyati hokimining 2022-yil 13-fevraldagi 98-6-0-Q/22-sonli qarorining 2-ilovasi bilan tasdiqlangan 2022-2026-yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasini “Inson qadrini ulugʻlash va faol mahalla yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi doirasida Namangan viloyatida amalga oshiriladigan ishlar yuzasidan “Yoʻl xaritasi”ning 2-bandida mahalliy ijro hokimiyati organlarini demokratik tamoyillar asosida shakllantirishning huquqiy asoslarini yaratish belgilangan.<br>Shuni ta’kidlash lozimki, Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 22-noyabrdagi “2022-2023-yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekiston ma’muriy islohotlari dasturini ishlab chiqish boʻyicha tashkiliy chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi 5-son Farmoyishining 7-ilovasi bilan “Mahalliy davlat hokimiyati organlari |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | faoliyatini tubdan takomillashtirish yuzasidan takliflarni ishlab chiqish bo‘yicha ishchi guruhi” tarkibi tasdiqlangan. Farmoyishning 5-bandida tashkil qilinayotgan ishchi guruhlar tomonidan tayyorlangan takliflar ishchi guruhi rahbarining imzosi bilan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasiga kiritilishi, takliflar taqdimot ko‘rinishida taqdim qilinishi hamda ularga tahliliy ma’lumotnoma va jadvallar, rivojlangan mamlakatlarning tajribasini o‘rganish bo‘yicha ma’lumotnoma va boshqa materiallar, shuningdek, zarur hollarda, normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari ilova qilinishi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi Vazirlar Mahkamasi hamda ishchi guruhlari bilan birgalikda taqdim qilingan taqdimot materiallarini ko‘rib chiqishi hamda Komissiyaga kiritishi, Komissiyaning yig‘ilishida taqdimot materiallarini shaxsan ishchi guruhlari rahbarlari taqdimot qilishi belgilab qo‘yilgan. Mazkur farmoyish ijrosini ta’minlash maqsadida boshqarma tomonidan ham mahalliy ijro hokimiyati organlari faoliyatini yanada takomillashtirish, samarali boshqaruvni joriy etish hamda boshqa davlat organlari va tashkilotlari bilan bir-birini takrorlovchi vazifa va funksiyalarni qisqatirish yuzasidan Adliya vazirligiga tegishli takliflar berilganligi ma’lum qilinadi. |
| 3. | **13-банд.** **Маҳаллий бошқарув** фаолиятига ахборот-технологияларини кенг жорий қилиш. | **“Рақамли халқ депутатлари Кенгаши”** лойиҳаси доирасида **маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини** жорий этиш бўйича Норматив ҳуқуқий хужжат лойиҳасига таклиф бериш. | 2022 йил октябрь | Ҳисоб-китобларга асосан | Халқ депутатлари вилояти кенгаши котибияти **Р.Абдуллаев,** Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш | Вакиллик органлари фаолиятини электронлаштириш мақсадида халк депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши томонидан "Электрон Кенгаш" платформаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан эса "Рақамли халк депутатлари Кенгаши" лойиҳаси ишлаб |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Бунда:<br>маҳаллий Кенгашларнинг йиғилишларини ўтказишда **ортиқча сансалорликларни** бартараф этиш;<br>маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудудий ижро органларини назорат қилиш доирасидаги ҳисоботлар, қарорлар, сўровлар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш назарда тутилади. | | | бошқармаси **Б.Нурматов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | чикилди.<br>Сенат томонидан, жорий йилнинг 30-31 май кунлари Бухоро шаҳрида мазкур электрон платформа ва лойиҳанинг такдимоти ўтказилиши, шунингдек маҳаллий Кенгаш вакилларининг ўзаро тажриба алмашишларини ташкил этиш белгиланди.<br>Мазкур семинарда халқ депутатлари вилоят Кенгашларидан 2 нафардан вакиллар иштирок этдилар.<br>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасига Маҳаллий бошқарув фаолиятига ахборот-технологияларини кенг жорий қилиш, бунда Ҳудудлар кесимида тизимлаштирилувчи 40 дан ортиқ соҳалар бўйича маълумотларни аниқлаштириш ва ушбу маълумотларни жамловчи таҳлилий геопорталларни ишга тушириш бўйича Вазирлик таклифлари 2022 йил 16 февралда 09-8/868-сон хат билан киритилган.<br>Шунингдек, 2022 йил 30 мартдаги 09-8/1834-сон хат билан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар Олий Мажлиси Қонунчилик палацига киритилган.<br>2022 йил 11 май куни Олий Мажлис Сенатида Вазирлик масъул ходимлари иштирокида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича йиғилиш ташкил етилди ва рақамли платформани ишлаб чиқиш босқичлари муҳокама қилинди.<br>Натижада Вазирлик томонидан ""Рақамли халқ депутатлари Кенгаши" лойиҳалари доирасида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий етиш бўйича чора-тадбирлар режаси" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирликнинг 2022 йил 24 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | майдаги 09-8/3106-сон хат билан Олий Мажлис Сенатига келишиш учун юборилди. Чора-тадбирлар режаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланди. Мазкур Чора-тадбирлар режасига асосан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги “Ягона интегратор UZINFOCOM” МЧЖ томонидан “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” комплекс ахборот тизимини яратиш бўйича техник топшириқ лойиҳаси ишлаб чиқилди ва келишиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди. |
| 4. | **24-банд.**<br>Олий Мажлис палаталарининг **маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини** кучайтириш. | **“Маҳаллий Кенгаш депутати”** тизими асосида қонун лойиҳалари бўйича **фикр ва таклифларни олиш**, амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. | 2022 йил июнь | – | Халқ депутатлари вилояти кенгаши котибияти **Р.Абдуллаев,** Маҳаллий Кенгаш депутатлари, Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Ўзбекистон Республткаси Олий Мажлис палаталари билан маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги борасида амалий ишлар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, Сенатнинг ҳар бир ялпи мажлисида (ZOOM орқали) маҳаллий Кенгашлардаги 8 та доимий комиссиялар раисларини иштироки;<br>Шунингдек, Олий Мажлисдаги палаталарнинг қўмита йиғилишларида маҳаллий кенгашлардаги тегишли доимий комиссия раислари ва аъзолари иштирок тизимли йўлга қўйилган.<br><br>Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 5 майдаги 01-22/2-14/1011-сонли хатига асосан, жорий йилнинг 18 майидан 21 майига қадар куни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда котибият ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.<br>Мазкур ўқув-семинарда халқ депутатлари Наманган шаҳар, Давлатобод, Мингбулоқ, Наманган ва Тўрақўрғон туман Кенгашлари депутатлари ва котибият ходимлар учун |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Давлатобод тумани 1-сонли шифохона мажлислар залида, Чуст ва Поп туман Кенгашлари депутатлари ва котибият ходимлар учун учун Чуст тумани 1-сонли касб-ҳунар мактаби мажлислар залида, Чортоқ, Янгиқўрғон ва Косонсой туман Кенгашлари депутатлари ва котибият ходимлари учун Янгиқўрғон ҳокимлиги мажлислар залида, Уйчи, Учқўрғон ва Норин туман Кенгашлари депутатлари ва котибият ходимлар учун Норин тумани ҳокимлиги мажлислар залида ташкил этилди.<br>Ўқув-семинарда Наманган Давлат университети кафедра мудири Мўминжон Сулаймонов, Наманган Давлат университети доценти Захриддинбобир Хайдаров, Наманган муҳандислик-қурилиш институти доценти Ғайратжон Сотиболдиев, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони мазмуни), халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатининг ҳуқуқий мақоми, унинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари мазусида;<br>Вилоят молия бош бошқармасидан Алишер Фозилов, Шухратжон Усманов, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда унинг ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари, маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш мазусида;<br>Вилоят солиқ бошқармасидан |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Абдуллаев Орифжон, Анваров Жаҳонгир, Абдуллаев Жаҳонгир ва вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасидан Акмалхон Ғаффаровлар, Маҳаллий солиқларни белгилаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция дастурларини кўриб чиқишда маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари, дастурлар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини амалга ошириш мавзусида; Адлия бошқармаси вакиларидан Абдурахим Мусошайхов, Зухриддин Сиддиқов, Азамат Жўраев ва бошқалар Ер участкаларига нисбатан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига берилган ваколатлар. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш,ер участкалари нархини белгилаш, фермер хўжаликлари билан ер ижара шартномаларини бекор қилиш масалаларида маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари мавзулари бўйича маъруза қилдилар.<br>Семинарда мавзулар юзасидан маърузачиларга саволлар берилиб, тегишлича жавоблар олинди.<br>Ўқув-семинарларда 13 та шаҳар ва туманлардан жами 391 нафар тингловчи иштирок этди.<br>Шундан 361нафари халқ депутатлари, вилоят туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, 43 нафари халқ депутатлари, вилоят туман ва шаҳар Кенгашлари котибияти ходимларидир.<br>Бундан ташқари, Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар фаолиятига семинар ва давра суҳбатлари, Сенат аъзолари М.Парпиев, Т.Мадумаровлар томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибиятлари ходимлари учун очиқ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | мулоқат ва ўқувлар ташкил этилди. |
| **II. МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ** | | | | | | |
| 5. | **61-банд.** Тергов фаолияти устидан **самарали назорат ўрнатиш**, ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятларга қарши курашишда **тезкор-қидирув фаолиятини** янада кучайтириш. | Тергов фаолиятини назорат қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш ҳамда ушбу жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш. | 2022 йил давомида | - | Вилоят ҳокимлигининг гуруҳ рахбари **М.Қутпиддинов,** Вилоят прокуратураси **Ж.Хатамов,** Ички ишлар бошқармаси **А.Атаходжаев,** Давлат хавфсизлик хизмати *(келишув асосида),* Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси **Б.Нурматов** | Содир етилаётган жиноятларни иссиқ изидан фош қилиш ҳамда вилоят ҳудудига кириб келаётган транспорт воситалари оқимини таҳлил қилиш мақсадида, вилоят ҳудудига автомобил йўллари орқали қуйидаги (Тўрақўрғон туманидаги туман марказий чорраҳаси, “Нестле” чорраҳаси, “Президент мактаби” чорраҳаси, Лола Жахон бозори чорраҳаси, Наманган туманидаги туман марказий чорраҳаларида) чорраҳаларда транспорт воситасининг давлат рақами белгиларини қайд қилувчи кузатув камералари ўрнатилди ва ишга туширилди.<br>Вилоятда жами 710 та Профилактика инспекторлари хизмат объектлари рўйхати шакллантирилган бўлиб шундан, 614 тасига қадар оптик толали алоқа кабеллари тортилди ва 174 тасига интернет тармоғига уланган, шартнома ишлари якунига етказилгандан сўнг қолган объектлар ҳам интернет тармоғига улаш ишлари амалга оширилади.<br>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда “Ахборот – тахлил видео-кузатув тизими” лойиҳаси доирасида Наманган шаҳрининг 50 та ҳудудида ўрнатилиши режалаштирилган 360 ПТЗ айланма камералари бўйича ҳозирги кунга келиб 47 та объектда тўлик камералар ўрнатилди.<br>Наманган вилояти Йўл ҳаракати |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | хавфсизлиги бошқармасида “Ситуацион марказ” ташкил етилди. 11 та патрул автомобилларига уларнинг жойлашувини аниқловчи ГПС тизимини ўрнатилди ва “Ситуацион марказ”га интеграция қилинди. Ходимларнинг бодикамералардаги видеоёзувларни “Ситуацион марказ”да офлайн тизимда кўриш имконияти яратилди.<br>Наманган вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қуйи бўлинмалари томонидан 2022 йил 12 ойи давомида жами 35 та ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилган бўлиб, шундан 44 таси жисмоний ва юридик шахсларнинг банк пластик карталари ва бошқа ҳисоб рақамларидан пул маблағлари талон-торож қилинганлиги ҳолати бўйича, қолган 46 таси ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган бошқа жиноят ишлари ҳисобланади.<br>Ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноят ишлари ҳудудлар бўйича таҳлил этилганида,<br>-17 таси Наманган шаҳри,<br>-8 тадан Уйчи ва Чуст туманлари,<br>-5 таси Янгиқўрғон тумани,<br>-2 тадан Косонсой, Учқўрғон ва Наманган туманлари,<br>-1 тадан Норин ва Поп туманлари ҳиссасига тўғри келади.<br>Мазкур турдаги жиноят ишларини моддалар бўйича таҳлил этилганида,<br>26 таси ЖКнинг 169-моддаси билан боғлиқ,<br>18 таси ЖКнинг 168-моддаси билан боғлиқ,<br>38 таси ЖКнинг 2441-моддаси 3-қисми билан боғлиқ,<br>1 таси ЖКнинг 158-моддаси билан |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | боғлиқ,<br>4 таси ЖКнинг 140-моддаси билан боғлиқ,<br>3 таси ЖКнинг 139-моддаси билан боғлиқ жиноят ишлари ҳисобланади.<br>Мазкур жиноят ишларининг,<br>55 таси ЖПКнинг 381-моддаси тартибида айблов хулосаси билан тегишли судлов органига юборилган,<br>4 таси ЖПКнинг 84-моддасига асосан,<br>2 таси ЖПКнинг 83-моддасига асосан ҳаракатдан тагтилган,<br>14 таси ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан,<br>5 таси ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан ҳаракатдан тўхтатилган,<br>10 таси бўйича ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги аниқланди.<br>Наманган вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда Тергов бўлинмалари ходимлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш мақсадида, 2022 йил 12 ойи давомида 76 маротаба шаҳар-туманларда текширишлар ўтказилиб, амалий ёрдамлар берилди.<br>Режа топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси, ИИБ, ДХХ ҳамда Божхона бошқармаси билан ҳамкорликда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича ҳамкорликда иш ташкил этилиб, жиноятларни фош этиш, ушбу жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | қилишнинг самарадорлиги ошириб борилмоқда.<br>Мазкур йўналишдаги жиноятларни аниқлаш, фош этиш ҳамда тергов қилиш амалиётини ягоналаштириш мақсадида ҳамкорликда ўқишлар ташкил этилиб, мазкур турдаги жиноятлар бўйича ишловчи алоҳида мутахассиз ходимлар ажратилди ҳамда ушбу жиноятлар Тергов бошқармаси ва вилоят прокуратурасида ўрганилганидан сўнг жиноят иши қўзғатиш амалиёти йўлга қўйилди. |
| 6. | **69-банд.**<br>Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш. | Аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот, қабул қилинаётган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш**ни хусусий секторни жалб қилган ҳолда янги тамойиллар асосида ташкил этиш. | 2022 йил давомида | - | Адлия бошқармаси<br>**Х.Собиров** | Наманган вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан 2022 йил давомида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда 3000 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.<br>Айниқса бу борада ОАВ орқали чиқишлар, айниқса телевидение имкониятларидан фойдаланилмоқда.<br>Хусусан, “Гулдаста” информацион дастури таркибида “Суҳбатдош” ва “Юридик клиника ТВ” саҳифалари орқали 400 маротаба, “Ҳуқуқингизни биласизми?” кўрсатувининг 15 та сонида чиқишлар қилиниб, 100 дан зиёд турли мазмундаги лавҳа ва репортажлар эфир юзини кўрди. |
| **III. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ** | | | | | | |
| 7. | Иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича мавжуд захира ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳамда асосий соҳаларда | 1. Мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурини белгилаб олиш. | 2022 йил | - | Вилоят ҳокимининг соҳалар ўринбосарлари<br>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси | 1. 2022 йилда Наманган вилоятида мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурини белгилаб олинган бўлиб. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *(саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқалар)* **аҳоли жон бошига** ишлаб чиқаришни ошириш.<br>Ялпи худудий маҳсулотни **105,2 фоизга** *(36,5 трлн.сўм)* етказиш. | 2022 йилда:<br>саноат маҳсулотлари **15,8 трлн.сўм** *(108,5 %)*;<br>- қишлоқ хўжалиги **24,4 трлн.сўм** *(103,4 %)*;<br>- қурилиш ишлари **6,2 трлн.сўм** *(110,0 %)*;<br>- хизмат кўрсатиш **17,6 трлн.сўмга** *(149,3 %)* ошириш.<br>2. Ҳудудлар кесимида прогноз параметрларини бажарилишида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш. | | | **И.Абдуғаниев,**<br>Статистика бошқармаси<br>**С.Мелихўжаев**<br>Манфаатдор бошқарма ва идоралар,<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Ялпи ҳудудий маҳсулот хажми 9 ой якуни билан<br>29,1 трлн.сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 107,2 фоизни ташкил этди<br>Январь-ноябрь ойлари якунлари бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:<br>Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми<br>15,8 трлн.сўмни ташкил этиб, 109,7 фоизни ташкил этди.<br>Қурилиш ишлари ишлаб чиқариш ҳажми январь-ноябрь ойлари якуни билан 6,0 трлн.сўмни ташкил этиб, 109,3 фоиз ташкил этди<br>Хизмат кўрсатиш ҳажми<br>январь-ноябрь ойлари якуни билан 13,4 трлн.сўмни, 116,6 фоизни ташкил этди.<br>Чакана савдо ишлаб чиқариш ҳажми 17,0 трлн.сўмни ташкил этиб, 114,4 фоиз ташкил этди.<br>Шундан келиб чиқиб 2022 йил 2-яирм йиллик кўрсаткичларини хам белгиланган рогноз кўрсаткичларидан ортиқ бажарилиши ҳамда мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш юзасидан хар бир шаҳар ва туман ҳокимликларига кўрсатмалар берилди. |
| 8. | **Аҳоли бандлигини ошириш ва ишсизлик даражасини қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.**<br>а) Ишсизликни қисқартириш мақсадида **154,7 мингта** иш ўринларини яратиш.<br>б) Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шунингдек ишсизлик даражасини | **1.** Бюджет ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан яратиладиган иш ўринлари. Хусусан,<br>- Тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаси **25 минг** нафар**;**<br>- Қишлоқ хўжалиги соҳасида **55 минг** нафар**;**<br>- Инвестиция дастурларида **35 минг** нафар.<br>**2.** Қўшимча яратиладиган иш ўринлари. Хусусан,<br>- Маҳаллаларга лидер тадбиркорларни бириктирш ҳисобига **9,1 мингта** нафар**;** | 2022 йил | Ҳисоб-китоб асосида | Вилоят ҳокимининг соҳалар ўринбосарлари<br>Бандлик бошқармаси<br>**Р.Расулов,**<br>Манфаатдор бошқарма ва идоралар,<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Меҳнат бозоридаги тенденсиялардан келиб чиқиб, 2022 йилда жами 573,2 минг нафар аҳолини доимий ва мавсумий иш ўринларида бандлигини таъминлаш бўйича Сизнинг кўрсатмангиз асосида ўринбосарлар комплекси кесимида прогноз параметрларни белгилаб олганмиз.<br>Жорий йилнинг январ-ноябрь ойларида 610,6 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланиб ушбу кўрсаткич йиллик режага нисбатан 106,5 фоиз бажарилди.<br>Комплекс (ўринбосар) кесимида таҳлил қилинганда,<br>Иқтисодий комплексда (Т.Юсупов) – 265 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | амалдаги **10,0 фоиздан 9,1 фоизга** тушириш. | - Маҳаллаларни ихтисослаштириш ҳисобига **12,9 минг** нафар;<br>- Аҳолига пахта-ғалладан бўшаган ерларни бериш ҳисобига **17,7 минг** нафар ишсиз фуқароларни бандлигини таъминлаш. | | | | 221 нафар, Қурилиш комплексида (С.Султанов) – 14 661 нафар, Туризм комплексида (Б.Нуритдинов) – 19 853 нафар, Қишлоқ хўжалиги комплексида (А.Хакимов) – 275 239 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. |
| 9. | Бюджет тушумларини кўпайтириш ва солиқ базасини кенгайтириш ва солиқларни йиғиш самарадорлигини ошириш орқали бюджет даромадининг **2,9 трлн.сўмга** бажарилишини таъминлаш. | **1.** Маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромад манбаларини кенгайтириш, хусусан:<br>Хуфёна иқтисодиётнинг улушини камида **10 фоиз**га қисқартириш ҳисобига бюджетга жами **55,0 млрд.сўм**;<br>*(35 мингта яширин иш ўринлари ва иш ҳақи фондини легаллаштириш ҳисобига жами 10 млрд.сўм тушириш)*;<br>**2.** Онлай-НКМ фойдаланишни кенгайтириш, электрон ҳисоб фактураларни кенг жорий этиш ва товарларни маркировкалаш бўйича “E-aktiv” тизимини ишга тушириш ҳисобига **70 млрд.сўм**;<br>**3.** Дам олиш масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини солиққа тортиш қамровини кенгайтириш орқали **3 млрд.сўм**;<br>**4.** Уйчи, Поп, Чуст, Янгиқўрғон ва Тўрақўрғон туманларида норуда қазилмалар ва сув ресурслари ҳисобини электрон назорат қилиш тизимига ўтказиш ҳисобига **2 млрд.сўм;**<br>**5.** Кичик саноат зонасида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини доимий қўллаб қувватлаш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига жами **20 млрд.сўм** тушириш чораларини кўриш. | 2022 йил | - | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов, Давлат солиқ бошқармаси **А.Тиллаволдиев,** Молия бошқармаси **З.Бахриддинов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Жорий йил 20 декабрь ҳолатига жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи бўйича 2022 йил учун ҳисобланган солиқларни ва мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш хисобига 176.5 млрд сўм,<br>Якка тартибдаги тадбиркорларни ҳисобланган солиқ ва мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш хисобига 23.1 млрд сўм,<br>Юридик шахсларнинг даромад солиқ туридан мавжуд қарздорлигини ундириш хисобига 807.8 млрд сўм,<br>Юридик шахсларнинг айланма солиқ туридан мавжуд қарздорлигини ундириш хисобига 112.9 млрд сўм, Юридик шахсларнинг қўшилган қиймат солиқ туридан мавжуд қарздорлигини ундириш хисобига 514.5 млрд сўм, Юридик шахсларнинг акциз солиқ туридан мавжуд қарздорлигини ундириш хисобига 257.8 млрд сўм, Юридик шахсларнинг фойда солиқ туридан мавжуд қарздорлигини ундириш хисобига 142.2 млрд сўм, Юридик шахсларнинг ва (Боғдорчилик, пахта-ғалла фаолият турларига ихтисослашган) фермер хўжаликларни ер солиқ туридан мавжуд қарздорлигини ундириш хисобига 93.9 млрд сўм,<br>Юридик шахсларнинг мол-мулк солиқ туридан мавжуд қарздорлигини ундириш хисобига 50.8 млрд сўм,<br>Юридик шахсларнинг сув солиқ туридан |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | мавжуд қарздорлигини ундириш хисобига 14.0 млрд сўм, маблағларни давлат бюджетига ундирилди.<br>2022 йил 20 декабрь ҳолатига<br>2 504.8 млрд сўм бюджетга тўловлар амалга оширилди.<br>Бюджет даромадларига 2022 йил<br>4-чоракнинг 20 декабрь ҳолатига 659.5 млрд сўм маблағлар ундирилиши таъминланди.<br>Махаллий бюджет даромадларига 2022 йил 4-чоракнинг 20 декабрь ҳолатига 733.9 млрд сўм маблағлар ундирилиши таъминланди.<br>1. Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича жами 33 884 та яширин иш ўринлари ва иш ҳақи фондини легаллаштириш ҳисобига жами 5 033,5 млн.сўм (ижтимоий солиқ ва иш ҳақидан даромад солиғи) маблағ тушуми таъминланмоқда.<br>2. “E-aktiv” тизими тўлиқ ишга туширилмаганлиги маълум қилинади. 4 чорак якунлари бўйича маълумотлар тақдим этиб борилиши маълум қилинади.<br>3. 2022 йил январь-декабрь ойларида вилоят бўйича жами 181 та (Дам олиш масканлари 20 та, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари 161 та) дам олиш масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларини солиқ базасини кенгайтириш хисобига 242,3 млн.сўм қўшимча маблағ жалб қилинди.<br>4. Норуда қазилмалар ва сув ресурс ҳисобини назорат қилиш бўйича ҳозирда Вазирликлар ва идоралар томонидан электрон тизимга 4 чоракда ўтиши режалаштирилган сабабли, 4 чорак якунлари бўйича маълумотлар тақдим этиб борилиши маълум қилинади.<br>5. Наманган вилоятида 72 та кичик |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | саноат зоналари КСЗ (Наманган шахарда 3 та, Давлатобод туманида 5 та, Янги Наманган туманида 5 та, Мингбулоқда 3 та, Косонсойда 5 та, Наманган туманида 3 та, Норинда 6 та, Попда 7 та, Тўрақўрғонда 6 та, Уйчида 5 та, Учқўрғонда 4 та, Чортоқда 5 та, Чустда 10 та ва Янгиқўрғонда 5 та) ташкил этилган.<br>Манзилли рўйхатга асосан мазкур КСЗларда жами 1193 та янги лойихаларни амалга ошириш белгиланган ҳамда ушбу инвестиция лойиҳларининг умумий қиймати 7,1 трлн.сўмни (4,8 трлн.сўм ўз маблағлари, 1,9 трлн.сўми банк кредит линиялари, 31,8 млн.доллар хорижий инвесторлар ҳисобидан) ташкил этиб, 65 559 та иш ўринлари яратиш белгиланган. |
| 10. | Ҳудудий инвестиция дастури доирасида қиймати **10,5 трлн.сўм**ни ташкил этган **1 137** та инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳамда **34 806** та янги иш ўринларини яратиш.<br>- *саноатда 6,8 трлн.сўм 537 та лойиҳа (25 829 иш ўрни);*<br>- *хизмат кўрсатишда 2,4 трлн.сўм 407 та лойиҳа (6 723 иш ўрни);*<br>- *қишлоқ хўжалигида 1,3 трлн.сўм 193 та лойиҳа (2 254 иш ўрни);* | **1.** Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>**2.** Лойиҳа гуруҳлари томонидан “Лойиҳабай” мониторинг тизимини йўлга қўйиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.<br>**3.** Тижорат банклари томонидан зарур кредит маблағларини белгиланган муддатларда ажратиш механизмини йўлга қўйиш.<br>**4.** Тармоқ жадвалида белгиланган муддатда лойиҳаларни ишга туширилишини таъминлаш. | Чора-тадбирлар | **10,5 трлн.сўм** *(7,2 трлн.сўм ташаббускорлар ўз маблағи, 799,2 млрд.сўм банк кредити, 77,2 млн.доллар хорижий кредит маблағлари, 155,2 млн.доллар хорижий инвестиция маблағлари)* | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **О.Инамов,** Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси **Н.Абдуллаев,** Марказий банк бошқармаси **Д.Алиев,** Тегишли тижорат банклари, Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Ҳудудий инвестиция дастури доирасида вилоятдаги 397 та тадбиркорлик субкъектларига 1,2 трлн.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.<br>Хусусан, саноатда 97 та лойиҳага 554,5 млрд.сўм, хизмат кўрсатишда 176 та лойиҳага 404,6 млрд.сўм, қишлоқ хўжалигида 124 та лойиҳаларга 218,6 млрд.сўм кредит маблағи ажратилган.<br>2022 йилда амалга оширилиши режалаштирилган умумий қиймати 9,6 трлн.сўм инвестиция маблағларини ўзлаштириш ҳисобига 1 152 та лойиҳаларни ишга тушириш белгиланган бўлиб, натижада<br>34 883 нафар янги иш ўринларини яратилиши режалаштирилган.<br>Жорий йилнинг бугунги кунга қадар 6,0 трлн.сўмлик 1284 та лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 35 088 нафар янги иш ўринлари яратилди.<br>Соҳалар кесимида кўриладиган бўлса,<br>- саноатда 3,0 трлн.сўм 488 та лойиҳа 26 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 374 та иш ўрни;<br>- қишлоқ хўжалигида 759,3 млрд.сўм 251 та лойиҳа, 2 347 та иш ўрни;<br>- хизмат кўрсатишда 2,3 трлн.сўм 545 та лойиҳа, 6 367 та иш ўрни. |
| 11. | Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида жами **865,0 млрд.сўм** кредит ажратилиши ва шу орқали **28,8 минг** нафар аҳоли бандлигини таъминлаш. | **1.** Маҳаллабай ишлаш тизими орқали “Ҳоким ёрдамчилари” томонидан берилган таклифларга асосан аҳоли талабини йўналишлар кесимида аниқлаш.<br>**2.** Аниқланган таклиф асосида ресурсларни тижорат банклари кесимида тақсимлаб, чоракли режаларни ишлаб чиқиш ва ажратилишини назоратга олиш.<br>Маҳаллалар ихтисослашувига асосан:<br>- *хизмат кўрсатишни ривожлантиришга 165,0 млрд. сўм (4 800 нафар);*<br>- *тикувчилик йўналишига 230,0 млрд.сўм (9 450 нафар);*<br>- *паррандачилик йўналишига 75,0 млрд.сўм (5360 нафар);*<br>- *бошқа йўналишларга 395,0 млрд.сўм (9 225 нафар).* | 2022 йил | 865,0 мрлд.сўм *(ресурс ва аввалги йилларда ажратилган кредит маблағларининг қайтарилиши ҳисобидан)* | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази **Ш.Имамов,** Марказий банк бошқармаси **Д.Алиев, Агробанк, Халқ банки, Микрокредитбанк,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 19174 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 430.4 млрд. сўм, шундан Агробанк томонидан 7074 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 160.4 млрд. сўм, Микрокредитбанк томонидан 3598 та ахоли ва тадбиркорлик субъектларига 89.0 млрд. сўм ва Халқбанк томонидан 8502 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 181.0 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолинииг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сон қарорига асосан вилоятда бугунги кунга қадар 20 634 нафар фуқароларга 470 млрд 047 млн.сўм. кредит маблағи ажратилди. Жумладан;<br>Маҳаллалар ихтисослашувига асосан: чорвачиликка 163 350 млн.сўм, паррандачиликка 16 494 млн.сўм, иссиқхонага 54 794 млн.сўм, асаларичиликка 17 216 млн.сўм, боғдорчиликка 6 387 млн.сўм, балиқчиликка 11 055 млн.сўм,қуёнчиликка 3 140 млн.сўм, хизмат кўрсатишга 66 460 млн.сўм, ҳунармандчиликка 3 681 млн.сўм, ишлаб чиқаришга 128 151 млн.сўм ва бошқа йўналишларга 14 333 млн.сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. |
| 12. | Маҳаллаларда | **1.** Ҳоким ёрдамчилари | 2022 йил | - | Вилоят ҳокимининг | Ҳозирги кунга қадар, 40 та |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида "**Ҳоким ёрдамчи"лари** томонидан маҳаллаларни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш. | томонидан маҳалланинг ички имкониятларидан, келиб чиқиб меҳнат ресурслари ҳамда нисбий устунликларини инобатга олган ҳолда маҳаллани ривожлантиришга туртки берадиган йўналишларни белгилаш.<br>**2.** Маҳаллада ҳатловлар ўтказиш натижасида аниқланган мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича маҳаллаларга ажратилган маблағларни самарали йўналтириш.<br>Хусусан,<br>- "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида" имтиёзли кредитлар ажратиш;<br>- Фермер, деҳқон хўжалик-лари ва томорқа ер эгалари Кенгаши маблағлари доирасида ажратилган маблағларни ер майдонлари суғориш тизимини яхшилаш учун йўналтириш.<br><br>- Аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ажратилган маблағларни аҳолига йўналтириш. | 1-чорак<br><br>доимий | 4,0 млрд.сўм *(Фермер, деҳқон хўжалик-лари ва томорқа ер эгалари маблағлари)*<br>88,5 млрд.сўм *(Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси)* | ўринбосарлари **Т.Юсупов, А.Мансуров,** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси **И.Абдуғаниев,** Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази **Ш.Имамов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | "оғир"маҳаллаларда 40 та "Етакчи тадбиркор"лар томонидан кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали;<br>-1 861 нафар аҳолини тикувчилик йўналишида бандлигини таъминланди;<br>-1 342 нафар аҳолини паррандачиликка жалб этилди;<br>-1 138 нафар аҳолини чорвачиликка жалб этилди;<br>- 956 нафар аҳолини хунар-мандчилик йўналишида бандлигини таъминланди;<br>- 537 нафар аҳолини иссиқхоначиликка жалб этиб бандлигини таъминланди;<br>-864 нафар аҳолини боғдорчиликка жалб этилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолинииг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 20 декабрдаги<br>ПҚ-55-сон қарорига асосан вилоятда бугунги кунга қадар<br>17 917 нафар фуқароларга<br>401 млрд 457 млн.сўм. кредит<br>маблағи ажратилди.<br>Маҳаллалар ихтисослашувига асосан:<br>- хизмат кўрсатишни ривожлантиришга 49,1 млрд. сўм (517 нафар);<br>- тикувчилик йўналишига<br>78,8 млрд сўм (736 нафар);<br>- паррандачилик йўналишига 15,4 млрд сўм (631 нафар);<br>- бошқа йўналишларга 258,2 млрд сўм (9 221 нафар).<br>1. 788 та МФЙларда ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳалланинг ички имкониятларидан, келиб чиқиб меҳнат ресурслари ҳамда нисбий устунликларини инобатга олган ҳолда маҳаллани ривожлантиришга туртки берадиган |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | йўналишларни белгиланди.<br>Шундан келиб чиқиб:<br>- 112 та маҳалла сабзавотчилик;<br>- 79 та маҳалла ҳунармандчилик;<br>- 78 та маҳалла паррандачилик;<br>- 249 та маҳалла чорвачилик;<br>- 22 та маҳалла қуёнчилик;<br>- 104 та маҳалла иссиқхона;<br>- 14 та маҳалла нонвойчилик;<br>- 58 та маҳалла хизмат кўрсатиш;<br>- 154 та маҳалла боғдорчилик ва узумчилик<br>- 230 та маҳалла дехқончилик;<br>- 76 та маҳалла текстил ва тўқимачилик йўналишларида маҳаллалар киритилган.<br>2. Маҳаллада ҳатловлар ўтказиш натижасида аниқланган мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича маҳаллаларга ажратилган маблағларни самарали йўналтириш бўйича:<br>-Оилавий тадбиркорлик йўналишида<br>865 млрд.сўм кредит лимити вилоятга ажратилган бўлиб, шундан ҳозирги кунга қадар. 20 634 та фуқароларга<br>470,0 млрд.сўм кредитлар ажратилди.<br>Натижада 20 634 нафар фуқаролар бандлиги таъминланди.<br>- Фермер, деҳқон хўжалик-лари ва томорқа ер эгалари Кенгаши маблағлари доирасида вилоятга 18 млрд 629 млн.сўм ажратилган.<br>Ҳозирги кунга қадар 18 млрд<br>980 млн.сўм 854 нафар фуқароларга имтиёзли кредит ажратилди.<br>Бундан ташқари, 90 078 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхат ўтказилиб бандлиги таъминланди.<br>-Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат қуроллари ва асбоб ускуналари олиб бериш бўйича<br>4 162 та фуқароларга 12 530 млн.сўмлик субсидиялар ажратилди. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Шундан; асбоб-ускуналарга 3 548 нафар фуқарога 11 597 млн.сўм, иссиқхонага 74 нафар фуқарога 511 млн.сўм, ҳунарманд уюмаси аъзолик бадалива иш хақига 520 нафар фуқарога 362 млн.сўм, кооперацияга 20 нафар фуқарога 60 млн.сўм, субсидия маблағлари ажратилди. |
| 13. | **“Темир”, “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарларига** киритилган фуқаролар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш. | **1.** Маҳаллабай ишлаш тизими, “Ҳоким ёрдамчилари”нинг ташкил этилиши, секторбай ишлаш тизимлари орқали ёрдамга мухтож фуқароларни муаммоларини ўрганиб, рўйхатини қайта шакллантириш.<br>**2.** Дафтарга киритилган фуқаро ва оилалар билан “хонадонбай” ишлаган ҳолда уларни қўллаб-қувватлаш, муаммолари бартараф этиш ҳамда доимий даромад яратиб, рўйхатдан чиқариш.<br>**3.** “Темир дафтар” “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”даги фуқароларга оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **69 млрд.сўм** маблағлар йўналтириш.<br>*Хусусан,*<br>*- “Темир дафтар”га 21,2 млрд.сўм;*<br>*- “Аёллар дафтари”га 23,9 млрд.сўм*<br>*- “Ёшлар дафтари”га 23,9 млрд.сўм.* | 2022 йил 1-чоракда<br><br>Ҳар чоракда<br><br>2022 йил | **69,0 млрд.сўм** ***“Саҳоват ва кўмак”*** *жамғармаси ҳисобидан* | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари **Т.Юсупов, Ғ.Муродхўжаев, А.Мансуров,** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси **И.Абдуғаниеав**, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги **Б.Мирзатов**, Туман (шаҳар)лар сектор рахбарлари | Вилоятда маҳаллабай ишлаш тизими орқали хонадонларни хатлов қилиш орқали эҳтиёжманд "Темир дафтар" 4 812 та оила, “Аёллар дафтари” 53 571 та ва "Ёшлар дафтари"да 19 670 та фуқаролар рўйхатлари шакиллантирилган.<br>Ушбу оилаларни доимий даромад манбаини яратиб, рўйхатдан чиқариш бўйича худудий сектор раҳбарлари ва ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ишлар олиб борилмоқда.<br>“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш доимий даромад манбаи яратиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилининг январь-ноябрь ойларида жами 96 768 млн.сўмлик маблағлар жамғармалар ҳисобидан йўналтирилиб оилавий шароитлари яхшиланди. Хусусан:<br>-“Темир дафтар”даги оилаларга 37 848 млн.сўм,<br>-“Аёллар дафтари”,га фуқароларга 24,891 млн.сўм,<br>-“Ёшлар дафтари”35 140 млн.сўмлик беғараз ёрдамлар кўрсатилди.<br>Амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган ёрдамлар натижасида Темир дафтар 4 374 та, Аёллар дафтари 53 457 та ва Ёшлар дафтаридан 15 754 та фуқаролар доимий даромадлари яратилиб Ҳалқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари қарори асосида дафтардан чиқарилди |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 14. | **71-банд.**<br>Ҳар бир туман бюджетининг камида **5 фоиз**ини **“Фуқаролар бюджети”** дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш. | Туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг камида **50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали** орқали **жамоатчилик фикри асосида** аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини жорий этиш. | 2022 йил I чорак | 145,1 млрд.сўм Туман (шаҳар)лар бюджети | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,** Молия бошқармаси **З.Бахриддинов**, Автомобил йўллари бошқармаси **А.Абдулходиев,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон қарорига мувофиқ жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш мақсадида шаҳар ва туман бюджетларининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи миқдоридаги 132,3 млрд.сўм маблағ ўтказилган.<br>Бундан ташқари, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида 2022 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан- 9,1 млрд.сўм,<br>Жорий йил- 1- чорак даромадлар режасини ортириб бажарилган қисми ҳисобидан 6,9 млрд.сўм;<br>2- чорак даромадлар режасини ортириб бажарилган қисми ҳисобидан<br>9,2 млрд.сўм ПҚ-197-сон қарорига мувофиқ 11,5 млрд.сўм жами<br>169,0 млрд.сўм “Ташаббусли бюджет” жамғармасига белгиланган тартибда ўтказиб берилган.<br>Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-5250-сон қарорига мувофиқ туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилган. |
| 15. | Кичик бизнес ва | Янги тадбиркорлик | 2022 йил | - | Вилоят ҳокимининг | Кичик бизнес ва тадибркорлик |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали **6 500** та субъектлар ташкил этиш. | субъектларини ташкил этиш бўйича аниқ йўналишлар бўйича чора-тадбирларни белгилаб бориш. | | | биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,** Савдо-саноат палатаси **Қ.Джамалов,** Давлат солиқ бошқармаси **А.Тиллаволдиев,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | субъектларини ташкил этиш бўйича 2022 йилда ишлаб чиқилган режа асосида 2022 йил учун режа 6500 та белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 22 декабрь ҳолатига 5 337 та (82 %) тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шундан шаҳар ва туманлар бўйича таҳлил этилганда Наманган шаҳар 825 та (92 %), Мингбулоқ 213 та (57 %), Косонсой 265 та (66 %), Наманган тумани 339 та (77 %), Норин 325 та (81 %), Поп 321 та (80 %), Тўрақўрғон 351 та (74%), Уйчи 349 та (77 %), Учқўрғон 447 та (99 %), Чортоқ 387 та (92 %), Чуст 430 та (83%), Янгиқўрғон 299 та (82 %), Давлатобод 389 та (87%) ва Янги Наманган тумани 397 та (88 %) ни ташкил этмоқда. Ушбу йўналиш бўйича белгиланган йиллик режани бажарилишини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман хокимликларига вилоят ҳокимининг 1-ўринбосари Т. Юсупов ва бошқарма бошлиғи О.Акбаров номидан хатлар юборилди ва йил якуни билан режани бажариш чора-тадбирлариин кўриш юзасидан кўрсатмалар берилди.<br>2022 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича жами 7 796 та янги тадбиркорлик (юридик шахс) ташкил этилиши таъминланди.<br>2022 йил январь-декабрь ойларида<br>Якка тартибдаги тадбиркорларни 4957 нафар янги рўйхатдан ўтказилиб,<br>6189 нафар қайта рўйхатдан ўтказилди. |
| 16. | **Тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун ноқишлоқ ерларни аукционга чиқариш.**<br>а) **650 та** ноқишлоқ ерларни аукционга чиқариш. | **1.** Бўш турган ноқишлоқ шунингдек, халқаро ва давлат аҳамиятидаги ер майдонларини аниқлаш ҳамда YERELEKTRON DUKга тизимига юбориш.<br>**2.** Ер майдонларини тегишли ташкилотлар билан келишиш ва хулоса олиш. | 2022 йил | - | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,** Қурилиш бошқармаси **Д.Ниязов,,** Манфаатдор бошқарма | Тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун ноқишлоқ ерларини аукционга чиқариш бўйича маълумот:<br>А) Наманган вилоятида ноқишлоқ ерларини аукционга чиқариш бўйича жами 2504 та ер участкалари аукцинга чиқарилган, шундан 517 таси учун ғолиб аниқланган. Қолган 1987 та ноқишлоқ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | б) шаҳар ва туманларда автомобиль йўллари ёқаларида **200 та** савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш. | **3.** Келишилган ҳамда тегишли хулосалар олинган ер майдонларини E-IJRO AUKSION тизимига киритиш. | | | ва идоралар,<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | ерлари аукцион савдоларида турибди.<br>Б)Наманган вилоятининг Чуст ва Поп туманларидаги автомобилъ йўллари ёқаларида жами 371 та ер майдони аукцион савдоларига жойланган,<br>Шундан:<br>Чуст тумани автомобиль йўллари ёқасидан 110 та ва Поп туманидан 260 та савдо ва хизмат кўрсатиш ер участкалари аукцион савдоларига жойланганган. |
| 37. | Табиий ва суюлтирилган газ таъминотини яхшилаш | **1.** Вилоят бўйича 3,5 км газ тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш.<br><br>**2.** 24 дона газ тақсимлаш қурилмаларини мукаммал таъмирлаш.<br><br>**3.** Суюлтирилган газ тўлдириш шаҳобчаларига 1 дона компрессор ва насос ўрнатиш.<br><br>**4.** Ер ости газ қувурларини занглашдан ҳимоя қилиш учун ЭХЗ ускуналарини мукаммал таъмирлаш. | 2022 йил | **2,0 млрд.сўм** *(“Худудгазтаъминот” АЖ),* **7,2 млн.сўм** *(“Худудгазтаъминот” АЖ),* **650 млн.сўм** *(“Худудгазтаъминот” АЖ)* **300 млн.сўм** *(“Худудгазтаъминот” АЖ)* | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **С.Султанов,** “Ҳудудгазтаъминот” АЖ филиали **Ш.Атаханов** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | 1.Бажарилди: 5,0 км газ тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари режа асосида олиб борилди.<br>Шундан: 3,5 км Наманган шаҳар, Бобуршоҳ кўчасида кўп қаватли уйларни ўрта босимли газ тармоғида, 1,5 км Давлатобод тумани, "Навруз" МФЙ, "Қўқимбой шох кўчасидаги газ тармоғи ва "Ирвадон" МФЙ, "Улугбек" кўчасидаги газ тармоғида реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб 2,3 млрд сўм маблағ сарфланиб, дастурда белгиланган режа тўлиқ бажарилди.<br>2.Бажарилди: 24 дона газ тақсимлаш қурилмаларини мукаммал таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган режа жадвал асосида жойларда иш ташкил этилиб, таъмирлаш ишлари якунланди.<br>3.Бажарилди: Суюлтирилган газ тўлдириш шаҳобчаларига 1 дона компрессор ва насос ўрнатиш бўйича иш ташкил этилиб Янгиқўрғон туманида жойлашган “Янгиқўрғон газ тўлдириш шаҳобчаси”га 1 дона компрессор ва 1 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | дона насос ўрнатилди.<br>4.Бажарилди: Наманган шаҳридаги 5 та , Чуст туманидаги 3 та жами 8 та ер ости газ қувурларини занглашдан ҳимоя қилувчи ЭХЗ ускуналарини мукаммал таъмирдан чиқарилди. |
| 38. | Электр энергияси таъминотини яхшилаш | **1.** Вилоят бўйича 35-110 кВ ли 2 дона подстанцияларни қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш.<br>**2.** 250 дона трансформатор пунктларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш.<br>**3.** 600 км 0,4-110 кВ ли электр узатиш тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш.<br>**4.** 8 500 дона таянч устунлари ўрнатиш. | | **6,0 млрд.сўм** *(“ХЭТК” АЖ),*<br><br>**47,3 млрд.сўм** *(“ХЭТК” АЖ),*<br>**89,5 млрд.сўм** *(“ХЭТК” АЖ)*<br><br>**20 млрд.сўм** *(“ХЭТК” АЖ)* | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **С.Султанов,** “Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ, **Ж.Халилов** | 1. 2 та подстанцияда қўшимча трансформатор ўрнатилди.<br>(6,3 млрд сўм)<br>2. 107 дона трансформатор пунктларини қуриш, реконструкция ва модернизация ишлари бажарил-ди. (20,2 млрд сўм)<br>3. 356,5 км 0,4-110 кВ ли электр узатиш тармоқларини реконструк-ция ва модернизация ишлари бажарилди. (28,5 млрд сўм)<br>4. 8 500 дона таянч устунлари ўрнатилди. (8,4 млрд сўм) |
| 39. | Автомобил йўллари ҳолатини яхшилаш.<br>а) умумий фойдаланишдаги **345,0 км** узунликдаги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш.<br>Шу жумладан, Наманган шаҳрини Уйчи тумани орқали Учқўрғон туманини боғловчи янги **17,5 км** бўлган автомобиль йўлини қуриш. | **1.** Объектда қурилиш ишларини амалга ошириш учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш.<br>**2.** Объектлар бўйича белгиланган тартибда танлов *(тендер)* савдоларини ўтказиб, малакали пудратчиларни аниқлаш.<br>**3.** Пудратчилар томонидан амалга оширилиши белгиланган объектларда тармоқ жадвали асосида ишларни ташкил этиб, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш.<br>**4.** Объектларда доимий мониторинг олиб бориш ва натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш. | 2022 йил | **178,7 млрд.сўм** *(Республика бюджети)* | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **С.Султанов,** Автомобиль йўллари бошқармаси **А.Хамдамов,** Молия бошқармаси **З.Бахриддинов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | 2022 йил январ-октябр ойлари давомида умумий фойдаланишдаги<br>255,2 км узунликдаги автомобил йўлларини реконструкция қилиш ҳамда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Наманган шаҳрини Уйчи тумани орқали Учқўрғон туманини боғловчи янги 17,5 км бўлган автомобил йўлини қуриш учун топогеодезия қидирув ишлари якунланди, объектнинг лойха смета хужатлари ишлаб чиқилмоқда.<br>Автомобиль йуллари холатини яхшилаш<br>а) 2022 йил январ-декабр ойлари давомида 255,2 км узунликдаги умумий фойдаланишда автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ҳамда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.<br>Шу жумладан, Наманган шаҳрини Уйчи тумани орқали Учқўрғон туманини боғловчи янги 17,5 км бўлган автомобиль |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | йўлини қуриш учун топогеодезия қидрув ишлари якунланди, объектнинг лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқилмоқда. |
| 40. | **168-банд.**<br>Ҳудудларда **хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари**ни ривожлантириш орқали кейинги **2022 йил**да хизмат кўрсатиш ҳажмини<br>**1,5 баробарга** ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами **205 минг**та янги иш ўринларини яратиш. | **1.** Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманлар кесимида прогноз параметрларни белгилаш ва уларга эришиш бўйича доимий мониторинг ўрнатиш.<br>**2.** Ҳудудий инвестиция дастури доирасида<br>**688 та** лойиҳаларни амалга оширилиши ҳисобига **9 448 та** иш ўринлари яратиш.<br>**2.** Дастур доирасида **3,1 трлн.сўмлик 689 та** лойиҳаларни амалга оширилиши ҳисобига **9 448 та** иш ўринлари яратиш.<br>*Хусусан,*<br>*Ҳудудий инвестиция дастури доирасида* ***2,4 трлн.сўмлик 407 та;***<br>*ПҚ-5113-сон қарор бўйича умумий қиймати* ***257,9 млрд.сўмлик 152 та;***<br><br>*Шаҳар ва туманларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури доирасида* ***434,1 млрд.сўмлик 130 та.*** | 2022 йил | **3,1 трлн.сўм**<br>*(2,3 трлн.сўм ўз маблағи, 0,6 трлн.сўм банк кредити, 14,1 млн. АҚШ доллар хорижий инвестиция ва 1,6 млн. АҚШ доллар Хорижий кредит линиялари)*<br>**257,9 млрд.сўм**<br>*(125,0 млрд.сўм банк кредити ва 132,9 млрд.сўм ўз маблағи)*<br>**434,1 млрд.сўм**<br>*(284,1 млрд.сўм ўз маблағи, 106,6 млрд.сўм банк кредити ва 4,0 млн. АҚШ доллар ҳорижий инвес-тиция)* | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,**<br>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси **И.Абдуғаниев,**<br>Марказий банк бошқармаси **Д.Алиев,**<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, манфаатдор бошқарма ва идоралар | Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича хар бир шаҳар ва туманлар кесимида прогноз параметрларни белгиланди. 11 ой якунлари билан Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида ўтган йилга нисбатан 116,6 фоизга ўсиш суратларига эришилди. Йил якуни бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажариш бўйича доимий мониторинг ўтказиб борилмоқда.<br>Шунингдек вилоятда 1 декабр ҳолатига 13 796 та янги сервис объектлари ишга туширилди натижада 38 893 та янги иш ўринлари яратилди.<br>Шаҳар ва туманларда 22 та кўчаларини туну-кун ишловчи хизматлар кўчасига айлантириш бўйича туман(шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарорлари тасдиқланди мазкур кўчаларда ҳамда кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида 1 021 та хизмат кўрчатиш объектлари ташкил етилди.<br>Вилоятда хизматлар соҳасида 112,3 минг нафар янги иш ўринлари яратилди..<br>2. Бажарилди:<br>Шу билан бирга, 13 841 та янги хизмат кўрсатиш объектлари фаолият бошлади. Натижада 38 870 та янги иш ўринлари яратилди.<br>б) Ҳудудий инвестиция дастурига асосан 1,4 трлн. сўмлик 503 та лойиҳалар амалга ошириш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида 1,2 трлн.сўмлик 463 та лойиҳалар фойдаланишга топширилди ва 4 273 нафар янги иш ўринлари яратилди.<br>в) Туризм йўналишида “Apart Hotel Cosmos” МЧЖ томонидан Россия |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Федерациясининг “Строй Лидер” МЧЖ билан ҳамкорликда яна бир йирик лойиҳа Поп туманида тоғ этагида 54 гектар майдонда умумий қиймати 2,5 млн. АҚШ долларлик туризм мажмуаси лойиҳаси амалга оширилди.<br>Шу билан бирга, Чортоқ, Янгиқўрғон, Косонсой ва Поп туманларида 185 та уй меҳмонхоналар ташкил этилди.<br>д) Вилоятда “Бухоро тажрибаси” асосида 7 та ресторан ва кафетерийлар ташкил этилган ҳамда 64 нафар янги иш ўринлари яратилган.<br>е) Бўш турган бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш мақсадида майдони 40,7 минг кв.м. бўлган 121 та обьектлар аниқланиб 13 та объектлар ДХШ асосида хусусий секторга бериладиган бўш турган бино-иншоот, 54 та аукцион савдога чиқарилган бўш турган бино-иншоотлар бўлиб, майдони 4,7 минг кв.м. бўлган 43 та объект аукцион савдоларига қўйилди.<br>3. Бажарилди:<br>Шаҳар ва туманларда<br>январь-ноябрь ойлари давомида 22 та кўчалар куну-тун ишлайдиган савдо ва кўнгилочар кўчалар (Shopping street)га айлантириш ҳисобига<br>1 104 та хизмат кўрсатиш ва савдо объектларини ташкил этилиб, 3 915 нафар янги иш ўринлари яратилган. |
| 41. | **176-банд.**<br>**2026 йил**гача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сони **2 баробар** ошириб,<br>**6 минг нафарга** етказиш. | Туризм соҳасига тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларни жалб қилиш.<br>Бунда:<br>1. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан туризм соҳасига оид **ер участкаларини “E-AUKSION”** электрон савдо платформасига чиқариш.<br>**2.** Алоҳида йўналишга **“ҳалол”, “веган”** ва бошқага | 2022 йил ноябрь | Амалий чора-тадбирлар давомида аниқланади (Тадбиркорлик субъектлари маблағлари) | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Б.Нуритдинов,** Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари **А.Туйчиев,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | 1.Наманган вилояти ҳудудида туризм ва унга ёндош бўлган хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун<br>“E-AUKSION” автоматлаштирилган тизимига киритилган ер майдонлари сони 4322 тани, умумий майдони эса 32,415 гани ташкил этади. Бундан 21 таси аукцион савдоларида сотилган ер майдонлари ҳисобланади.<br>2. Наманган вилояти ҳудудида 6 та туман кесимларида замонавий овқатланиш |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ихтисослаштирилган умумий овқатланиш пунктларини ташкил этиш.<br>**3**. Туман (шаҳар)лар марказларида **сувенир дўконлари, кафетерийлар, ресторанлар, чойхоналар, магазинлар, ҳунармандчилик дўконлари** ташкил қилиш ва жозибадор **кўнгилочар хизматлар**ни йўлга қўйиш. | | | | марказлари, савдо комплекслари, дўкон ва ресторанларни ташкил этиш бўйича 13 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.<br>3. “Gold invest silver” МЧЖ (раҳбар: Нажмиддинов Қобилжон) томонидан Наманган шаҳар А.Хўжаев кўчаси 38-уйда 200 м/кв майдонга эга бўлган заргарлик ва сувенир буюмлар савдоси билан шуғулланадиган махсус магазин ҳамда инфокиоска ташкил этиб фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари турк таомларига ихтисослашган Amac ва “Kadikoy” ресторани, Effel ресторани қошида 2 та футтрекер (fast food) ташкил этилиб фаолияти йўлга қўйилди. |
| 42. | **177-банд.**<br>Туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш. | **1**. Туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари, йўл инфратузилмаларини яхшилаш, туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантириш, маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ҳамда ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни рўйхатини шакллантириш.<br>Бунда, “туризм маҳалласи”, “туризм қишлоғи” ёки “туризм овули” мақоми бериладиган ёки эга ҳудудларни инобатга олган ҳолда шакллантириш.<br>**2**. Вилоятдаги тегишли туризм объектлари бўйича Наманган шаҳар ва туман ҳокимликлари, тегишли бошқарма ва идоралар (буюртмачилар) томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини | 2022 йил 1 март<br><br>2022 йил апрель<br><br>2022 йил май | Амалий чора-тадбирлар давомида аниқланади | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Б.Нуритдинов,**<br>Маданий мерос бошқармаси **М.Кадиров**,<br>Автомобиль йўллари худудий бошқармаси **А.Хамдамов,**<br>Қурилиш бош бошқармаси **Д.Ниязов,**<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2022-йил 8-Июндаги № 318 қарори. 2022-2024 йилларда Наманган вилояти Поп, Чортоқ туманларининг туризм салохиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб Туризм обьектларига олиб борувчи 4К 470” А373 автойўли-Хонобод қ-Чоркесар қ” автомобил йўли Наманган вилояти Поп тумани Чодак МФЙ худудидаги "APART HOTEL KOCMOC" дам олиш масканига олиб борувчи йўлда 448,8 м3 ер ишлари, қоплама асосини профилини қум шағал аралашмаси ёрдамида текислаш 1007 м2, 14863 м2 5 см қалинликда асфальтбетон қоплама қуриш ишлари хамда 24169 м2 йўл чети обочина қисми кум шагал аралашмаси ёрдамида 5 см қалинликда мустахкамлаш ишлари бажарилди. Жами 2,326 млрд сўмлик жорий таьмирлаш ишлари бажарилди.<br>Жумладан. 4Р 118 “Жийдакапа қ-Уйчи ш-Чортоқ ш-Янгиқўрғон ш-Заркент қ-Нанай қ” автомобиль йўлининг 11-24 км оралиғида 5 м2 гача бўлган 520 м2, 25 м2 гача 628.2 м2, |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ишлаб чиқиш ва тендер (танлов) савдоларини ўтказиш.<br><br>**3**. Туризм объектлари бўйича ўтказилган тендер (танлов) савдоларига натижаларига кўра тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва харажатлар сметаларига асосан молиялаштириш очиш. | | | | 3900 м2 картасимон, ва 1200 м2 бўлган йўл қирғоғини мустахкамлаш ишлари учун 500.0 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.<br>4Р 119 “Чортоқ ш-Калишох қ-Хазратишох қ-Заркент қ” автомобиль йўлининг 0-29 км оралиғида 5 м2 гача 550 м2, 25 м2 гача 737 м2, 2952.8 м2 картасимон, ва 1200 м2 бўлган йўл қирғоғини мустахкамлаш ишлари учун 500.0 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди ва 4К 425 "Шўркент қ-Гулшан қ-Кўшан қ" а/й 10-12 км оралиғида 5 м2 гача 111.7 м2, 25 м2 гача 85 м2, 307 м2 картасимон ишлари учун 50.0 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.<br>4Р125 "Ғурумсарой қ-Хонобод қ.- Чодак қ.- Гулистон қ." Автомобиль йулида 21.09.2022 холатига 7141 м2 жойни автогрейдер ёрдамида суриб текслаб асфалт босиш учун тайёрланди. 5 м2 гача бўлган чуқурчаларга жами 1000 м2 жойга 119 тонна, 25 м2 гача бўлган чуқурчаларга жами 250 м2 жойга 29.7 тонна ва автоукладчик ёрдамида жами 14283 м2 жойга 1725.6 тонна. Жами йил бошидан 1874.4 тонна асфалтобетон коришмаси хамда 7.93 тонна қиздирилган битум ишлатилди.<br>Ушбу вилоят дастури “Йўл хартитаси”нинг 177-бандида Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар этиб, қуйидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан;<br>1. Туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари, йўл инфратузилмаларини яхшилаш, туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва маданий-кўнгилочар |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | инфратузилмаларни ривожлантириш, маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ҳамда ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни рўйхатини шакллантириш, бунда, “туризм маҳалласи”, “туризм қишлоғи” ёки “туризм овули” мақоми бериладиган ёки эга ҳудудларни инобатга олган ҳолда шакллантириш кўзда тутилган.<br>Мазкур вилоят дастури “Йўл хартитаси”нинг 177-банди юзасидан маданий мерос объектлари бўйича белгиланган маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ҳамда ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни рўйхатини шакллантирилди.<br>3. Туризм объектлари бўйича ўтказилган тендер (танлов) савдоларига натижаларига кўра тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва харажатлар сметаларига асосан молиялаштириш очиш бўйича Наманган вилоятида 2022 йилда таъмирлаш, тиклаш ва реставрация қилиш учун 13 та маданий мерос объектлари рўйхати тақдим этилган. Режа асосида ушбу объектларни таъмирлаш, тиклаш ва реставрация қилиш ишлари республика Илмий-эксперт Кенгаши томонидан хулоса олингандан кейин амалга оширилади.<br>Ҳозирги кунда Илмий-эксперт Кенгашининг 10.06.2022 йилдаги №14-сонли йиғилиш баённомасида Наманган вилояти, Наманган шаҳар, истиқлол МФЙда жойлашган XVIII асрда қурилган “Мавлавий Намангоний мақбараси” архитектура ёдгорлиги объектини реставрация қилиш учун лойиҳаси маъқулланган.<br>“Мавлавий Намангоний мақбараси” архитектура ёдгорлиги |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | объектини реставрация қилиш учун смета лойиҳаси 3 млрд. 360 млн. сўмга режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 950 млн. сўмлик реставрация ишлари бажарилди.Шунингдек, Янгиқўрғон тумани, Барака МФЙ да жойлашган 1920 йилда қурилган “Гулдор масжиди” архитектура ёдгорлигини реставрация қилиш учун қилинган лойиҳаси ҳам юқоридаги баённома асосида маъқулланган. |
| 43. | **183-банд.**<br>**Наманган вилоятида туризм** соҳасида янги иш ўринларини яратишда асосий **драйвер** соҳаси бўлиши мақсадида алоҳида дастур қабул қилиш. | **1. “Мозийга саёхат”** номли ички туризм дастури орқали, ҳар **йили 10 минг**дан **зиёд ўқувчи**, **талаба** ва **пенсионерларнинг** Чортоқ, Тўрақўрғон, Косонсой туманларига сафарини ташкил этиш. | 2022 йил давомида | Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари, тадбиркорлик субъектларнинг чегирма маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Б.Нуритдинов,** Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари **А.Туйчиев** Туман (шаҳар)лар | 2022 йилнинг 1-декабр ҳолатига 38952 нафар хотин-қизлар ва талаба ёшларнинг “Мозийга саёҳат” номли ички туризм дастури доирасида саёҳатлари таъминланди ҳамда белгиланган йиллик режа ортиғи билан бажариб келинмоқда. |
| 44. | **189-банд.**<br>Археология объектларини муҳофаза қилишни ва илмий **тадқиқот ўтказишни кучайтириш**. | **1**. Ҳалокатли аҳволга келиб қолган археология объектларини аниқлаш ва уларда илмий тадқиқот ишларини ўтказиш.<br>**2**. Археология объектларини консервациялаш, музейлаштириш ҳамда археология паркларини яратиш.<br>**3**. Археология объектларини муҳофаза қилиш ишларини кучайтириш.<br>**4**. Самарқанд археология институти фаолияти ва унинг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш. | 2022 йил давомида | Амалий чора-тадбирларга асосан (Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари) | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Б.Нуритдинов,** Маданий мерос бошқармаси **М.Қодиров** , Молия бошқармаси **З.Бахриддинов** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Археология объектларини муҳофаза қилишни ва илмий тадқиқот ўтказишни кучайтириш. вазифаси топширилган.<br>Вилоятдаги мавжуд Археология объектларини муҳофаза қилишни ва илмий тадқиқот ўтказиш юзасидан Маданий мерос бошқармаси томонидан аниқ ҳисоб-китобларга асосланган маълумотларни тақдим этилиши билан маблағлар ажратиш манбалари юзасидан вилоят молия бош бошқармасининг тегишли таклифи киритилиши таъминланади.<br>Ушбу вилоят дастури “Йўл хартитаси”нинг 189-бандида Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар этиб қуйидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан,<br>1. Ҳалокатли аҳволга келиб қолган археология объектларини аниқлаш ва уларда илмий тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича: |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Наманган вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи вилоятдаги мавжуд 274 та маданий мерос объектларини қайта хатловдан ўтказиш натижасида ҳалокатли ҳолатга келиб қолган қуйидаги археологик маданий мерос объектлари аниқланган. Жумладан;<br>Уйчи туманидаги Номсизтепа (БТ-2), Норин туманидаги Қозоқовул, Янгиқўрғон туманидаги Гаистон ва Ўрда тепа, Чортоқ туманидаги Юмалоқтепа, Уйчи туманидаги Толмазор-1 археология ёдгорликларига фуқаролар томонидан зарар етказилганлиги аниқланган.<br>Юқоридаги аниқланган ҳолатлар бўйича Маданий мерос бошқармаси томонидан материаллар тайёрланиб, Прокуратура органлари қонуний чора кўриш учун тақдим этилди ва Номсизтепа (БТ -2) археология ёдгорлиги - фуқаро Д.Турдалиевга, Янгиқўрғон туманидаги Гаистон археология ёдгорлиги –фуқаро З.Мамадалиевга,Ўрдатепа археология ёдгорлиги-фукаро Ж,Умаров, А.Юнусовга, Чортоқ туманидаги Юмалоқтепа археология ёдгорлиги - фуқаро Оққўзиевлар томонидан етказилган зарар юзасидан прокуратура органлари томонидан жиноий иш қўзғатилган.<br>Шунингдек, Норин туманидаги Қозоқовул археология ёдгорлиги – фуқаро Ғ. Саттиевга, Уйчи туманидаги Толмазор-1 археология ёдгорлиги –фуқаролар А.Абдураҳмонов, А.Камолов, С.Дадабоев, И.Маматов, Ж.Раҳманов, Т.Норматовлар томонидан етказилган зарар юзасидан прокуратура органлари томонидан маъмурий иш қўзғатилиб, жарималар ундирилди. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича:<br>Археология объектларини муҳофаза қилишни ва илмий тадқиқот ўтказишни кучайтириш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан;<br>Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Миллий археология маркази бош илмий ходими, тарих фанлар доктори, профессор А.А.Анорбоев раҳбарлигида Инновацион вазирлиги томонидан молиялаштирилган “Ғовасой ҳавзасида антропоген ландшафтнинг шаклланиши ва Чуст тарихи” мавзусида Чуст туман Чуст кўҳна шаҳристони археология ёдгорлигида илмий лойиҳа бўйича археологик қазув ишлари олиб борилмоқда.<br>Мазкур тадқиқотларга Миллий археология маркази илмий ходимлари ва Наманган давлат университети Археология кафедраси профессор-ўқитувчилари ва талабалари жалб этилган. Илмий лойиҳа 4 йилга режалаштирилган.<br><br>“Чуст кўҳна шаҳристони” археология ёдгорлигида 2022 йилги қазиш мавсуми натижалари.<br>Қурилиш қолдиқлари ва қатламлар тавсифи.<br>Қадимий Чуст манзилгоҳининг шарқий қисмида 2х2 метр ўлчамли 14 та квадрат очилди. Мазкур квадратлар Чуст ёдгорлигининг энг юқори қатламлари ҳисобланиб, асосан иккита қурилиш даврларига ажратилди. Ҳар бир квадрат рақам ва ҳарф билан белгилаб чиқилган. Шартли белгилари 1 А 7 А ва 1 Б ва 7 Б гача бўлган, бири бирига параллел бўлган жанубдан шиолга йўналган 2 қатор |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | квадратлар белгилаб олинди. Мазкур квадратлардан Чуст ёдгорлигининг энг юқори маданий қатламлари қолдиқлари аниқланди. Қазилиб ўрганилган маданий қатламлар 1,5 метргача бўлган чуқурликни ташкил этади. Бу йилги қазиш мавсумида асосан иккита қурилиш даври аниқланди. Фақатгина 2Б квадратдан учинчи қурилиш даврига оид ярим ертўла топилди. Чуст ёдгорлигида 2012 йилги қазиш мавсумида олиб борилган археологик тадқиқотлар давомида жуда кўплаб археологик материаллар қўлга киритилди. Жумладан; 1 А ва 1 Б квадратларда хўжалик ўралари, темир даврига хос сопол идишлар аниқланди. 1 А қазишмасидан ҳажми жиҳатдан анча катта бўлган хум аниқланди. Хумнинг баландлиги 70 см, гардишининг диаметри эса 38-40 см.ни ташкил этади. Мазкур хум аниқланган пайтда дарз кетган бўлиб, махсус тагликка ўрнатилган. Хум жойлашган таглик кесик конус бўлиб, лой билан сувалган. Унинг атрофидан эса кўплаб ҳайвон суяклари ва қўлда ясалган сополлар топилди. Катта хумнинг барча томондан 10 см қалинликда лой билан сувоб чиқилган. Фикримизча хум дарз кетгач хонанинг бир чеккасига ўрнатилган ва сочилиб кетмаслик учун ён атрофи сувоб чиқилган. Унда озиқ овқат маҳсулотлари сақланган бўлса керак. Топилманинг сирти қизил ранг билан бўялган. Квадратдан катта хумдан ташқари турли хил типга оид сопол идиш парчалари ва ёрғучоқлар ҳам аниқланди. Сопол идиш парчалари асосан туваксимон идиш ва кружкаларга таълуқли. Ушбу квадратнинг |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | бурчагидан, хумнинг поли сатҳи билан тенгбаландликдан жуда қалин лой билан сувалган девор тўсиқ қисми аниқланди.<br><br>Унинг қандай вазифани бажарганлиги кейинги мавсумда давом эттириладиган археологик изланишлар давомида маълум бўлади. Бундан ташқари репер нуқтасидан 80-см чуқурликдан қўлда ясалган безакли сопол парчаси ҳам топилди.<br>1 Б қазиш квадратининг биринчи қатламининг юқори 10-15 см қисмидан иккита ўчоқ ўрни ва кўплаб сопол синиқлар аниқланди. Мазкур жойдан бутун ҳолда етиб келган пиёла топилди. Пиёланинг баландлиги 8 см ва гардиши диаметри 10 см бўлиб, шаклига кўра ҳозирги пиёлалардан деярли фарқ қилмайди. У қўлда ясалган бўлиб, сирти қизғиш рангда. Кадратнинг 100-120 см чуқурлигига келиб катта ўчоқ қолдиғи ва 5-8 см қалинликдаги айланасимон тўсиқ аниқланди. Ўчоқ қолдиғи жуда қалин ва қаттиқроқ. У пишган, куйган кесаклар ва кул қолдиғидан иборат. 1 А ва 1 Б квадратлар хўжалик ва ошхона қолдиқлари бўлиши керак.<br>2 А ва 2 Б лардан ҳам хўжалик хоналари ва қисман ошхона қолдиқлари аниқланди. 2 А нинг биринчи қатламидан ўчоқ ўрни, сопол парчалари ва ҳайвон суяклари кўплаб аниқланди. Квадратдан уй ҳайвонлари суякларидан ташқари бир нечта дона ёрғучоқ қолдиқлари ҳам аниқланди. Унинг 45 см чуқурлигида қаттиқ коррозияга учраган бронза бигиз парчаси ҳам топилди. Шунингдек иккинчи қатламда ажойиб топилма кичик ўлчамли найза-дротикнинг бронзадан ишланган пайкони аниқланди. Бу ажойиб топилма жуда кам учрайдиган пайкон типи бўлиб, келиб чиқиши Қора денгиз |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | бўйларига бориб тақалиши мумкин. Худди шу каби пайкон Далварзинтепадан ҳам аниқланган. 2 А квадрати катта хум аниқланган 1 А квадратнинг давоми бўлиши мумкин.<br>2 Б квадратнинг биринчи қатлами хўжалик хонаси бўлиши мумкин. Унинг биринчи қатламидан ўша даврларда Фарҳона водийсида яшаган кийик шохи аниқланди. Кийик шохининг сирти силлиқланиб меҳнат қуролига айлантирилган. Унинг иккинчи қатламидан эса 1 Б дан аниқланган катта ўчоқнинг давоми аниқланди. Ўчоқнинг усти 10-15 см миқдорда кул билан қопланган. Кул остидан эса ўчоқнинг юзаси, яъни куйган кесаклар аниқланди. Кул ва куйган майда кесакчалардан иборат катта ўчоқ тозаланганда унинг остидан учинчи қурилиш даврига оид ертўла аниқланди. Учинчи давр ертўласи кейинчалик турли хил чиқиндилар, жумладан синган сополлар, куйган суяклар, кул ва тупроқ билан текисланиб, иккинчи даврнинг катта ўчоғига айлантирилган бўлиши мумкин. Суяк топилмалар орасида кийик шоҳидан ташқари от, қорамол, қобон, қуй, эчки ва қуш суяклари ҳам бор.<br>Жами очилган квадратларнинг катта қисмида иккинчи қурилиш даврига оид катта ярим ертўла ўрни аниқланди. Унинг диаметри 8-10 метр атрофида бўлиб, марказида диаметри 2,5 м ва чуқурлиги 70 см бўлган чуқур мавжуд. ктта ярим ер тўла асосан 3 ва 4 А ҳамда 3,4 ва 5 Б квадратларда жойлашган. Унинг маркази эса 4 Б квадратга тўғри келади. Мазкур топилманинг энг қизиқарли томони унинг юзаси 10 см гача бўлган қалинликда оҳак-гипс билан суваб чиқилган. Шу нуқтаи назардан бу ер қандайдир маросимлар |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўтказадиган ёки диний жой бўлиши керак деган хулосага келдик. Унинг энг юқори қатламидан ҳам турли хил типларга оид сопол парчалари, уй ва ёввойи ҳайвон суяклари, тош буюмлар топилди.<br>3 А ва 3 Б квадратларнинг асосан 40-60 смгача бўлган қисми қазилди. 3 Б квадратидан дарё катта кичик тошлари, ёрғучоқ синиқлари, сопол парчалари, аниқланди. 3 Б квадратда яримертўлаларнинг ёғоч устунлари ўрни ҳам аниқланди. Уларнинг диаметри 10 см бўлиб, чуқурлиги 20-30 смни ташкил этади. Чуқурчаларнинг ички ёни ва юзасида сувоқ излари сақланиб қолган.<br>4 А ва 4 Б квадратлар катта ярим ертўланинг асосий сатҳини эгаллаган бўлиб, поли қисми гипс билан суваб чиқилган. Унинг юқори қатламидан ўчоқ излари ва сопол парчалари аниқланди. 5 А. Квадратни қазиш жараёнида ўртадан ўчоқ аниқланди. Ўчоқ диаметри 40 см бўлган синиб қолган катта хумдан ясалган, яъни яроқсиз бўлиб қолган хумнинг ўрта қисми ўчоққа айлантирилган. 6 А квадратдан эса хўжалик ўраси, яъни хар хил чиқиндилар, сопол парчалари, кул кабиларни ташлайдиган ўрна-чиқиндихона аниқланди. Чиқиндихонанинг юнг юқорисидан анча сифатсиз ишланган сопол стол-дастурхон аниқланди.<br>Бундан ташқари куйган ҳайвон суяклари, тош қурол синиқлари ва турли туман сопол идишлар парчалари ҳам топилди. Эътиборлиси шундаги квадратнинг ғарбий қисмида реперан 10 см пастдан 15 см қалинликда яшил қатлам аниқланди. Бу қатлам бадраб-ҳожатхона излари бўлиши керак.<br>5 А ва 6 А квадратлардан катта ярим ертўланинг бир қисми жойлашган бўлиб, |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | бу жойлардан ҳам ўчоқ ўринлари, сопол парчалари, ёрғучоқлар, ҳайвон суяклари ҳам топилди.<br>7 А ва 7 Б квадратларнинг биринчи қатлами очиб ўрганилди. Бу квадратлардан деярли қурилиш излари аниқланмади. Фақатгина ўчоқ, кул излари ва сопол парчалари аниқланган.<br><br>Топилмаларнинг қисқача тафсифи.<br><br>Сопол идишлар.<br>Бу йилги қазиш мавсуми давомида энг кўп қўлга киритилган топилмалар сопол идишлар ҳисобланади. Уларнинг асосий қисми синган идишлар ташкил этиб, барчаси қўлда ясалган. Сопол топилмалар орасида бир нечта бутун идишлари ҳам мавжуд. Тувак, хум, хумча, пиёла ва қозон каби идиш типлари аниқланди. Ҳеч бир квадрат ва қатламлардан бутун қўлда ясалган безакли сопол аниқланмади. Фақатгина бир неча дона парчаси аниқланди, холос. Сопол идишларнинг бир қисми сиртига қизил ангоб берилган, қолганлари шунчаки силлиқланган.<br>Тошлар ва суяк буюмлар.<br>Қазишлар давомида кўплаб ёрғучоқлар ва уларнинг парчалари топилди. Ёрғучоқлар Чуст қишлоғида деҳқончилик анча ривожланганлигидан дарак беради. Шунингдек тош ўроқ парчаси ва бир нечта тош қирғич-пичоқлар ҳам топилди. Тош қуроллар ва буюмлар ораси энг ажойиби тош қолиб ҳисобланади. Тош қолиб жуда универсал бўлиб, уч тамонлама фойдаланишга мўлжалланган. Битта суяк тароқ ва кийик шохидан ишланган қурол аниқланди.<br>Ҳайвон суяклари.<br>Қадимий Чуст қишлоғида олиб борилган археологик изланишлар давомида жуда |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | кўплаб истеъмол қилинган ва меҳнат қуроли сифатида фойдаланилган ҳайвон суяклари топилди. Суяклар орасида от, қуй, қорамол ва қуш суяклари учрайди.<br>Метал буюмлар.<br>Металдан ясалган топилмалар орасида 2А квадратнинг иккинчи қатламидан кичик ўлчамли жанговор найза-дротикка тегишли пайкон аниқланди. Пайкон узунлиги 10 см бўлиб, бронзадан ясалган. Ушбу топилманинг шаклига қараб уни тахминан мил.авв. VII асрларга тегишли эканлиги хулоса қилинди. Бундан ташқари мис узук ҳам аниқланди. Аммо бу топилма жуда кучли эррозияга учраган.<br>Ахсикент археология ёдгорлиги бўйича.<br>Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент археология ёдгорлигида кенг кўламли археологик тадқиқотлар олиб бориш мақсадида “Ахсикент комплекс археологик экспедицияси” ташкил этилди.<br>Шунингдек, 2019, 2021-2022 йилларда тарих фанлар доктори А.А Анорбоев раҳбарлигида Урганч Давлат Университети, Самарқанд Давлат Университети ва Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий Университетининг археология йўналиши ҳамда Наманган Давлат Университети археология ва тарих йўналиши талабалари Ахсикент ёдгорлигида дала амалиётларини ўташлари учун тадқиқотлар олиб борилган. Дала амалиёт давомида талабалар ёдгорликнинг VIII, VIII A, XVIII, XI ва XXIV қазув объектларида қазув ишларини олиб бордилар.<br>Ҳозирги кунда Ахсикент ёдгорлигида ташкил этилган “Очиқ осмон остидаги музей”га чет эл ва маҳаллий сайёҳлар, ташкилот, муассаса ишчи-ходимлари, Олий ва ўрта таълим муассалари талаба, |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўқувчилари ҳамда аҳоли ва ёшлар мунтазам ташриф буюрмоқда. Ахсикент археология ёдгорлигининг 77,76 га майдони 3D панжара ўралган бўлиб, тўла муҳофазага олинган ва ҳимояланган.<br>Келгусида Ахсикент ёдгорлигида яна 8 та “Очиқ осмон остидаги музей”лар ташкил этиш режалаштирилган.<br>ОБЪЕКТ VIII<br>Ушбу объектдан топилган археологик материаллар Милоддан аввалги III – милодий XIII асрга оид шаҳар ҳаёти хақида маълумот беради. XII асрнинг иккинчи ярми – XIII асрни биринчи чорагига оид маданий қатламлар 1950 йилларда олиб борилган қишлоқ хўжалик ишлари даврида қисман бузилган.<br>1. Агроирригацион қатламлар. ( Милоддан аввалги X – III асрнинг бошлари). Бу ерда шаҳар қурилганга қадар 700 йил давомида суғорма деҳқончилик гуллаб яшнаган.<br>2. Милоддан аввалги III- I асрнинг бошларига оид маданий қатламлар.<br>Милоддан аввалги III-асрда пойтахт шаҳар Фарғона (Ахсикат) барпо этилган. Милоддан аввалги 104-99 йилларда Фарғона-Хитой ўртасида 4 йиллик уруш бўлиб ўтади. Милоддан аввалги I-асрда 9-10 балли ер қимирлаш юз берган. Натижада, Фарғона-Ахсикат шаҳри бутунлай вайрон бўлган. Худди шу даврда Фарғона хукмдорлари Муғтепада (Косон) ўзларига янги қароргоҳ қурадилар.Фарғона шаҳри водийнинг иқтисодий ва маданий маркази бўлиб қолаверади.<br>3. Милодий I –IV асрларга оид маданий қатламлар.<br>Милодий эранинг IV асрининг иккинчи ярмида 8 – 9 балли ер қимирлаган. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Натижада, Фарғона (Ахсикат) шаҳри иккинчи маротаба вайрон бўлади.<br>4. V-VIII асрларга оид маданий қатламлар.<br>VII асрда водийнинг сиёсий пойтахти Муғтепадан Фарғона (Ахсикат) шаҳрига кўчади.<br>VIII асрда араблар босқини ва ислом динининг тарқалиши бошланади.<br>VIII асрнинг охирида сирланган сопол идишлар ишлаб чиқариш бошланади.<br>5. IX-X асрларга оид маданий қатламлар.<br>5 А. Ер ости водопроводи қолдиқлари (X-XIII арснинг биринчи чораги).<br>5 Б. Ер ости водопроводига тушадиган зиналар қолдиғи.<br>6. XI-XII асрларга оид маданий қатламлар.<br>6 А. Қорахонийлар даврига мансуб синч усулида қурилган маҳобатли турар жой қолдиқлари. Турар жой деворий расмлар, ганч ва лойга ўйиб ишланган нақшлар билан безалган.<br>6 Б. Ушбу уйнинг хўжалик хоналари қолдиқлари.<br>7. XIII аср маданий қатламлари. Қора металлургия ва металлни қайта ишлаш устахоналари қолдиқлари.<br>Ахсикент ёдгорлигининг 8 қазишмасида 2022 йилнинг май-июнь ойларида қазишма ишлари олиб борилди. Мазкур қазишманинг усти 2019 йилда ёпилиб, очиқ осмон ости музейига айлантирилган эди. Қазишманинг бир қисмида умуман археологик тадқиқотлар ўтказилмаган эди. Шу боис очиқ осмон ости музуйидаги 8 қазишманинг давомида археологик тадқиқотлар ўтказилди.<br><br>Ахсикент археологик ёдгорлигининг |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | муҳим объекти бўлган мазкур 8- қазишмада ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ тадқиқотлар олиб борилган. Натижада шаҳарнинг пайдо бўлганлигидан унда ҳаёт тўхтагунга қадар бўлган вақт оралиғидаги қурилиш даврларига оид топилма ва меъморий қолдиқлар очилган. Ушбу обеъктнинг энг муҳим топилмаси бу ер остидан ўтган ичимликка мўлжалланган сув йўли тармоғи ҳисобланади. Мана шу топилма ва унинг атрофидаги турар-жой қолдиқларининг аҳамияти ҳисобга олиниб, 2019 йилда очиқ осмон ости музейи ташкил этилади.<br>VIII қазув нуқтасида шу йилги мавсумда ўтказилган қазиш ишларида 7-20 м. ҳажмга тенг майдон танлаб олинди. Ушбу майдонда 1-1,5 м пастгача тушилиб, камида иккита қурилиш даври аниқланди. Қазишманинг дастлабки юқоридаги 40-50 см қисми аралаш ва бузилиб кетган қатлам эканлиги маълум бўлди. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида қишлоқ хўжалигига ўғит сифатида ёдгорликнинг тупроқларидан фойдаланиш учун трактор ёрдамида бузиб ташланган.<br>2022 йилги қазиш мавсумидаги ишлар давомида қазишманинг ҳамма қатлам ва қурилиш даврларидан топилмалар аниқланди. Қазишманинг биринчи қатлами 40-50 см бўлиб, хом, пишган ғишт парчалари, тупроқдан иборат эканлиги маълум бўлди. Шунингдек сирланган ва сирланмаган сопол парчалари ҳам аниқланди. Лекин бу қатламнинг техника ёрдамида бузиб юборилганлиги, ёғин-сочин ва шамол таъсирида тупроқ қатлами ҳозил бўлганлиги сабаб тарихий аҳамияти тушиб кетади.<br>8-қазишманинг иккинчи қатлами ўртача |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 40-60 смни ташкил эган бўлиб, турар жой қолдиқлари ҳам мавжуд.<br>Учинчи қатлам ҳам ўртача 50-70 смни ташкил этган бўлиб, пишиқ ғиштдан қурилган турар жой қолдиқлари ва кўплаб ўчоқ излари аниқланди.<br>Топилмалар орасида жуда кўплаб сирланган сопол идиш синиқлари, сирланмаган сопол идиш парчалари, метал буюмлар ва тангалар аниқланди. Мазкур топилмалар айни пайтда ўрганилиш жараёнида.<br><br>1. Археология объектларини концервациялаш, музейлаштириш ҳамда археология паркларини яратиш бўйича.<br>Чуст туманидаги "Чуст кўҳна шаҳристони" археология ёдгорлигини археологик жиҳатдан атрофлича ўрганиш ва уни илмий ҳамда туристик маскани сифатида самарали фойдаланиш учун "Очиқ осмон остидаги музей" ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозирда "Чуст кўҳна шаҳристони" археологик ёдгорлиги умумий ер майдони 3 га ташкил этади.<br>Шунингдек, Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент ёдгорлигида ташкил этилган "Очиқ осмон остидаги музей"га ҳозирги кунда чет эл ва маҳаллий сайёҳлар, ташкилот, муассаса ишчи-ходимлари, олий ва ўрта таълим муассалари талаба, ўқувчилари ҳамда аҳоли ва ёшлар мунтазам ташриф буюрмоқда. Келгусида Ахсикент ёдгорлигида яна 8 та "Очиқ осмон остидаги музей"лар ташкил этиш режалаштирилган.<br><br>2. Археология объектларини муҳофаза қилиш ишларини кучайтириш бўйича.<br><br>Намангани вилояти маданий мерос |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | бошқармаси томонидан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича Поп туманидаги “Мунчоқтепа”, Чуст туманидаги “Чуст кўҳна шаҳристони”, Косонсой туманидаги “Муғтепа”, Тўрақўрғон туманидаги “Ахсикент ” археология ёдгорликларининг атрофи 3D панжара билан тўла ўралган, муҳофазага олинган ва тўла ҳимояланган. 2023 йилда Чуст туманидаги “Бибиона” ҳамда Косонсой туманидаги “Муғ қалъа” археология ёдгорликлари муҳофаза қилиш, атрофини 3D панжара билан ўраш бўйича Республика Маданий мерос агентлигига таклифлар берилганлиги маълум қиламиз.<br><br>4. Самарқанд археология институти фаолияти ва унинг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш бўйича.<br>Самарқанд археология институти Республикадаги етакчи ва археология ёдгорликларини асраш, ўрганиш, илмий тадқиқ ва тарғиб этиш ишларини янада яхшилашда ўзига хос мавқега эга.<br>Агарда унинг моддий-техник базасини тубдан яхшиланса, вилоятлардаги мавжуд археология ёдгорликларини мукаммал ўрганиш учун шарт-шароит яратилиб, вилоятдаги илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ушбу моддий-техник воситалардан фойдаланилиш имкониятига эга бўлади. |
| 45. | **190-банд.**<br>Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини муҳофаза қилиш ва сақлашни доимий мониторинг қилишни йўлга қўйиш, бу борада замонавий технологиялардан | **1**. Масофадан туриб назорат қилиш ва ўрганиш мақсадида учувчисиз учиш аппаратларини харид қилиш.<br>**2**. Учувчисиз учиш аппаратларидан белгиланган тартибда фойдаланган ҳолда вилоят бўйича видео-кузатув шаклида қуйидагиларни ҳар | 2022 йил давомида | Амалий чора-тадбирларга асосан (Давлат бюджет маблағлари) | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Б.Нуритдинов,** Маданий мерос бошқармаси **М.Қодиров** , Молия бошқармаси **З.Бахриддинов** Туман (шаҳар)лар | Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини муҳофаза қилиш ва сақлашни доимий мониторинг қилишни йўлга қўйиш, бу борада замонавий технологиялардан фойдаланиш кучайтириш, маданий мерос объектларини реставрация қилиш вазифаси топширилган.<br>Вилоятдаги мавжуд маданий мерос |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | фойдаланиш кучайтириш, маданий мерос объектларини реставрация қилишда **чет эл давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.** | ойда:<br>моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектини;<br>**“Ахсикент”, “Қадимги Поп”, “Муғ қалъа”, ва “Биби Она” (Чуст шаҳристони)** археология ҳудудлари ва қўриқланадиган теграларини мониторинг қилиш.<br>**3**. Мониторинг натижаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликни таъминлаш.<br>**4.** Маҳаллий усталарни хорижий мамлакатларга олиб бориш орқали уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш. | | | ҳокимликлари | объектларини реставрация қилиш ва уларга замонавий технологиялар сотиб олиш ва юзасидан Маданий мерос бошқармаси томонидан аниқ ҳисоб-китобларга асосланган маълумотларни тақдим этилиши билан маблағлар ажратиш манбалари юзасидан вилоят молия бош бошқармасининг тегишли таклифи киритилиши таъминланади.<br>**1.** Вилоятдаги мавжуд маданий мерос объектларини масофадан туриб назорат қилиш ва ўрганиш мақсадида учувчисиз учиш аппаратларини харид қилиш бўйича Республика Маданий мерос агентлиги томонидан марказлашган ҳолда ҳудудий Маданий мерос бошқармаларига учувчисиз учиш аппаратларини (Дрон) олиб бериш режалаштирилган.<br>**2**. Вилоят Маданий мерос бошқармаси учувчисиз учиш аппарати (Дрон) билан таъминланган тақдирда ундан белгиланган тартибда фойдаланган ҳолда видео-кузатув шаклида ҳар ойда вилоятдаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган **“Ахсикент”, “Қадимги Поп”, “Муғ қалъа”, ва “Биби Она” (Чуст шаҳристони)** археология ҳудудлари ва қўриқланадиган тегараларини мониторинг қилиш имкониятига эга бўлади.<br>**3.**.Вилоят Маданий мерос бошқармаси томонидан Ишчи гуруҳ ташкил этилиб, маданий мерос объектларини қайта хатлов қилиш ва мониторинг натижаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликни таъминлаш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.<br>Моддий маданий мероснинг кўчмас |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | мулк объектларини муҳофаза қилиш ва сақлашни доимий мониторинг қилиш мақсадида вилоятдаги мавжуд 274 та Маданий мерос объектларини қайта хатловдан ўтказилганда, 9 та ҳолатда 15 нафар шахсга нисбатан уларнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан ЎзР.ЖКнинг 64-моддаси, 2-қисмига асосан маъмурий ҳуқуқ-бузарликка оид баённомалар тузилиб, жиноят ишлар бўйича судлар томонидан маъмурий жарималар қўлланилди, 5 та холатда 13 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, ҳозирги кунда судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.<br>**4.** Маҳаллий усталарни хорижий мамлакатларга олиб бориш орқали уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.<br>Туризм ва Маданий мерос вазирлиги, Маданий мерос агентлиги томонидан вилоятлардаги уста реставраторлар рўйхати шакллантирилди, жумладан Наманган вилояти маданий мерос бошқармаси томонидан Наманганда фаолият олиб бораётган 4-нафар уста реставраторлар (Қосимов Мубилло, Фозилов Қосимжон, Қулдошев Абдуваҳоб, Тўлқинов Зоҳиджон) рўйхати тақдим этилди. Ушбу Реставраторлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Туризм ва маданий мерос вазирининг 2022 йил 7 сентябрдаги №86-сонли йиғилиш баёнига асосан, жорий йилнинг 5-6 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистонда реставрация санъатини қайта тиклаш: маданий мерос ва маданий бойликларни асрашнинг долзарб масалалари” |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | мавзусида уста-реставраторлар қурултойида иштирок этиб, ўз малакаларини ошириб қайтди. |
| 46. | **193-банд.** **Ҳудудларда йўловчи ташиш транспорти** тизимини такомиллаштириш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш. | **1.** Вилоятдаги мавжуд автобус ва микроавтобуслар паркини янгилаш мақсадида 90 та автобус ва 40 та микроавтобуслар сотиб олиш.<br><br>**2.** Туман ва шаҳарлардаги 60 та оралиқ бекатларини қуриш ва реконструкция қилиш.<br>**3.** Жамоат транспортида автоматлаштирилган тўлов тизимини кенг жорий этиш. | 2022 йил | **44,0 млрд.сўм** *(Банк кредити)* | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **С.Султанов,** Транспорт бошқармаси **А.Абдулходиев,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | 2022-йилда вилоятнинг шаҳар ва туманларида жамоат транспорти учун автобус ва микроавтобуслар харид қилиш бўйисhа тадбиркорлар ўртасида тарғибот ишлари олиб борилди, натижада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октабрдаги “Ҳудудларда жамоат транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 630-сонли қарори қабул қилинди ҳамда Наманган вилоятида 2022-йил давомида 10 та тадбиркорлар томонидан 90 та автобус (44 641 млн со’м) ва 2 та тадбиркорлар томонидан 40 та микроавтобус (11 000 млн со’м) сотиб олиш юзасидан рўйхат шакллантирилиб, вилоят ҳокимлигига ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига тақдим етилди. Лекин ташувчи корхоналарнинг кредит олиш учун гаров учун мулкнинг камлиги ҳамда банклар томонидан тавсия этилаётган кредит фоизининг юқорилиги, кредит муддатининг қисқалиги сабабли автобус ва микроавтобус сотиб олиш учун банк ва ташувчи корхона ўртасида шартнома тузилмади.<br>Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига автобус ва микроавтобуслар сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар 1 йилгасhа бўлган имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 5 йил муддатга берилса мақсадга мувофиқ бўлиши юзасидан Транспорт вазирлиги ва вилоят хокимлигига таклиф берилди |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 2022 йил давомида Мингбулоқ туманида 12 дона, Чортоқ туманида 19 дона, Янгиқўрғон туманида 9 дона, Чуст туманида 12 дона ва Наманган шаҳрида 8 та жами 60 та оралиқ автобус бекатларининг курилиш ва таъмирлаш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилди.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2022-йил 26-декабрдаги 02-РА 1/1-1908-сонли топшириғи асосан Жамоат транспортида автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш 2024 йилга режалаштирилган |
| 47. | **195-банд.**<br>**Транспорт ва логистика хизматлари бозори** ва **инфратузилмасини** ривожлантириш.<br>а) "Евро 5" русумидаги 20 та юк автомобилларини сотиб олиш ва янгидан 40 га яқин янги иш ўринларини ташкил этиш; | **1.** Юк автомобилларини сотиб олиш истагини билдирган тадбиркорларни аниқлаш.<br>Сотиб олинадиган юк автомобилларини сони ва русуми ва сотиб олиш муддатлари юзасидан манзилли рўйхат шакллантириш.<br>**2.** Янги сотиб олинадиган юк автомобиллари туридан келиб чиқиб, янги ташувчи корхоналарни ташкил этиш.<br>Халқаро йўналишларда фаолият кўрсатилиши учун лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар билан таъминланишига кўмаклашиш. | 2022 йил | Ҳисоб-китоб асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари **С.Султанов, О.Инамов,** Транспорт бошқармаси **А.Абдулходиев** Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси **Н.Абдуллаев**, Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Вилоятдаги халқаро йўналишларда юк ташиш фаолияти билан шуғулланувчи ташувчи корхоналар рахбарлари хамда бошқа тадбиркорлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилмоқда.<br>Наманган вилоуатига "Евро-5" русумдаги 40 та уuк автомобилларини сотиб олиш ва 80 та уанги иш о'ринларини уаратиш бо'йисhа вилоуатдаги уuк ташиш фаолияти билан шуg'илланувсhи корхоналар о'ртасида тарg'ибот ишлари олиб борилди, натижада 2022-йилда тадбиркорлар томонидан **49 дона "ЕВРО 5"** русумли транспорт воситалари олиб келинди **ва 88 та** иш ўрни яратилди.<br><br>2022 йил давомида Наманган вилоуатида жами **43 та** уuк автомобилларини сотиб олиш истагини билдирган тадбиркорларни аниqланди ва **22 та** халqаро уuк ташувсhи корхона ташкил етилди<br>Наманган вилоятида ҳалқаро йўналишларда фаолият кўрсатилиши учун лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар билан таъминланишига кўмаклашиш |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | келинмоқда. |
| **IV. АДОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ** | | | | | | |
| 48. | Мактабгача таълим ёшидаги болалар қамровини **75 фоизга** етказиш. | **1.** Вилоятда 3 та янги давлат МТТ (қуввати 450 та) қуриш, 12 та МТТларни реконструкция (қўшиладиган қувват 475 та) қилиш.<br>**2.** Президент ташрифи (2021 йил) баёнидаги топшириқ асосида фойдаланишга топшириладиган 4 та ДМТТ 450 ўрин ва Махаллий бюджет асосида қурилган 1 та 100 ўринли ДМТТларни фойдаланишга тошшириш.<br>**3.** 6 та давлат-хусусий шериклик аосидаги МТТларда 780 ўрин яратиш ҳамда 49 та МТТ мавжуд бўлмгаан МФЙларда 100 та (қуввати 2 486 та) оилавий МТТлар ташкил этиш.<br><br>**4.** Мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов бўйича 97 та гуруҳларини ташкил этиш орқали 2 910 ўрин яратиш.<br>**5.** Мактабгача таълим қамровини Наманган шаҳрида 58,9 фоизга, Чортоқ туманида 73,3 фоизга ва Косонсой туманида 73,6 фоизга етказиш. | 2022 йил октябрь | **61,4 млрд.сўм**<br>*(Инвестиция дастури асосида)*<br><br>**24,4 млрд.сўм**<br>*(6,7 млрд.сўм ўз маблағлари ва 17,7 млрд.сўм банк кредити)* | Вилоят ҳокимининг ўринбосари<br>**Ғ.Муродхўжаев,**<br>Мактабгача таълим бошқармаси<br>**Х.Юсупова**<br>Молия бошқармаси<br>**З.Бахриддинов**<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарорига асосан вилоятда 3 та янги давлат МТТ (қуввати 450 та) қуриш учун 17,7 млрд.сўм, 12 та МТТларни реконструкция (қўшиладиган қувват 475 та) қилиш учун 43,7 млрд.сўм жами 69,8 млрд.сўм маблағ ажратилган бўлиб, хозирга қадар 66,0 млрд.сўм молиялаштириб берилди.<br>Шунингдек, Президентнинг 2021 йил вилоятга ташрифи давомида берилган топшириққа асосан 3 та ДМТТ учун<br>4,3 млрд.сўм маблағ ажратилган бўлиб, хозирда 4,0 млрд сўм маблағлар молиялаштириб берилган.<br>Давлатобод туманида 36 МТТ учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 4,3 млрд.сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан 3,9 млрд.сўм маблағлар молиялаштириб берилган. |
| 49. | Ҳудудлардаги мактабларда таълим сифатини яхшилаш. | Вилоятда **3 та** математика ва физика, **4 та** кимё ва биология, **3 та** информатика фанларига фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш. | 2022 йил август | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари<br>**Ғ.Муродхўжаев,**<br>Халқ таълими бошқармаси<br>**Р.Исраилов,**<br>Молия бошқармаси<br>**З.Бахриддинов**<br>Туман (шаҳар)лар | Вилоятда 3 та математика ва физика, 4 та кимё ва биология, 3 та информатика фанларига фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 173-сонли қарорига асосан Халқ таълими вазирлигининг розилик хати асосида вилоят |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ҳокимликлари | ҳокимлигининг қарори билан ташкил этилиши белгиланган. Шунга кура вилоят халк таълими бошкармаси томонидан тегишли таклиф киритиш лозим.<br>Бундан ташкари Ўзбкистон Республикаси Президентининг<br>ПФ-106-сонли фармонининг 14-бандида<br>2022-2023 ўқув йилидан бошлаб фанлар чуқур ўқитидиган мактаблар ҳамда мактаб-интернатлари босқичма-босқич умумий ўрта таълим мактаблари сифатида қайта ташкил этилиши белгиланган. |
| 50. | Битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси **33 фоизга** етказиш. | Наманган вилоятида Буюк Британия давлатининг Халқаро “IDU: International Digital University” олий ўқув юрти томонидан “IT-университет” ташкил этиш учун Ҳукумат қарор лойиҳасини тайёрлаб Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил апрель | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Ғ.Муродхўжаев,** Электрон хокимиятни ривожлантириш маркази **Б.Ахунбабаев,** Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси **Б.Нурматов** | Наманган шаҳар Амир Темур кўчаси, 101-уйда жойлашган 2-сон касб-ҳунар мактаби бино-иншоотлари танланган.<br>2-сон касб-ҳунар мактабини кам қуватда ишлаётган Наманган муҳандислик-курилиш институтига қўшимча бино сифатида берилган собиқ Наманган траспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи) биносига кўчириш.<br>Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси ҳулосасига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Наманган шаҳар 2-сон касб-ҳунар мактабининг бино-иншоотлари ва ер участкаларини Наманган вилояти ҳокимлиги балансига ўтказиб, ҳокимлик томонидан Университетни ташкил этиш учун мавжуд бино ва иншоотларни тўлиқ реконструкциядан ўтказилган ҳолда "INTERNATIONAL DIGITAL UNIVERSITY"га ижара шартномаси асосида ўтказилади.<br>Ҳозирда университет фаолиятни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz/ID-47590 V-1)га киритилган бўлиб, 11 та вазирликдан хулоса берилган. |
| 51. | **198-банд.** | **Ишсиз фуқароларни касб-** | 2022 йил | **14 млрд** сўм | Вилоят ҳокимининг | Ўзбекистон Республикаси |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Касбга ўқитиш кўламини 2 бароборга** ошириш, жами **12,3 минг нафар** ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш. | **ҳунарга ўқитиш** кўламини **2 бароба**рга ошириш.<br>Бунда:<br>- ҳар йили касб-ҳунарга ўқитиладиган фуқаролар сони, ҳудудлар ва тармоқлар кесимида ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид **давлат буюртмаси**ни ишлаб чиқиш;<br>- маҳалла касб-ҳунарга ўқитиш масканлари тармоғини кенгайтириб, уларнинг сонини **86 та**га етказиш;<br>- **1 та** "Ишга марҳамат" мономарказлари ва **4 та** касб-ҳунарга ўқитиш марказлари қувватларидан самарали фойдаланган ҳолда ишсиз фуқароларни профессионал касблар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш;<br>- Мономарказ ҳузуридаги "Ўқув-маслаҳат офис"ларига хорижий давлатлардан, жумладан, Россия, Туркия, Япония, Корея, Германиядан **20** га яқин хорижий ўқитувчиларни жалб қилиш;<br>- касб-ҳунарга ўқитишда **нодавлат таълим муассасалари**нинг иштирокини **30 фоиз**га етказиш мақсадида касб-ҳунарга ўқитиш бўйича грантлар эълон қилиш. | октябрь | *(Бандлик жамғармаси маблағлари)* | биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,** Бандлик бошқармаси **Р.Расулов,** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси **И.Абдуғаниев,** Вилоятдаги олий таълим муассасалари **С.Турғунов, О.Маткаримов, Ш.Эргашев,** Молия бошқармаси **З.Бахриддинов,** Савдо-саноат палатаси **Қ.Джамалов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Президентининг "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сон қарори ижросига мувофиқ Чуст тумани 1-сон касб-хунар мактаби негизида ташкил этилган. Марказда 9 та йўналишда касб хунарга ва қайта тайёрлаш учун 3-4 ойлик курслар ташкил қилинган. Марказнинг 2022 йил сақлаш харажатлари учун жами 3 101,3 млн. сўм режалаштирилган, шундан 1-гуруҳ харажатлари учун 1 541,8 млн. сўм, 2-гуруҳ харажатларига 384,5 млн. сўм, 4-гуруҳ харажатлари учун 1 175,0 млн. сўм маблағлар режалаштирилган. Марказ тингловчиларини амалиёт ўташи учун хом ашё сотиб олиш харажатларига 332,6 млн. сўм, тингловчиларни яшаш харажатлари учун 650,7 млн. сўм, ўқув машғулотида фойдаланиладиган техникаллар учун ёқилғи харажатлариги 25,5 млн. сўм ва бошқа харажатлар учун 166,2 млн сўм маблағлар режалаштирилган. Жорий йилнинг 21 декабр ҳолатига марказ томонидан иш хақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар учун 912,8 млн. сўм, 2-гуруҳ харажатларига 228,3 млн. сўм, 4-гуруҳ харажатлари учун 841,7 млн. сўм жами 1 982,8 млн сўм маблағлар сарфланган. |
| 52. | **199-банд.**<br>Умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги | **1**. Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари таркибидан касб- | 2022 йил март | – | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари **Т.Юсупов,** | Умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларини давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | битирувчиларини давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш бўйича таклифларни киритиш. | ҳунарни ўрганиш истагида бўлганларини аниқлаш ва касб-ҳунарага ўқитиш орқали илғор хорижий тажрибани ўргатиш.<br>**2.** Умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларини давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш. | 2022 йил май | – | **Ғ.Муродхўжаев,** Халқ таълими бошқармаси **Р.Исраилов,** Бандлик бошқармаси **Р.Расулов,** Молия бош бошқармаси **З.Бахриддинов,** Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси **Б.Тожиматов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | кўмаклашувчи тизимни жорий этиш бўйича вилоят халк таълими бошкармаси томонидан тегишли таклифлар киритилишини максадга мувфик деб хисоблаймиз. |
| 53. | **217-банд.**<br>Наманган вилоятида Ибрат ижод мактаби негизида Чет тиллари институтини ташкил этиш. | Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллар институти фаолиятини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳасини киритиш. | 2022 йил апрель | Давлат бюджети | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Ғ.Муродхўжаев,** Наманган Давлат университети **С.Турғунов** | Бажарилмоқда.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 июндаги “Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган чет тиллари институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-275-сон қарор қабул қилинди. |
| 54. | **220-банд.**<br>Инновацион худудга айлантирилаётган туманларда мавжуд аналогларидан 50 фоизгача арзонлаштирилган ва сифатли, хом ашё нархига нисбатан **2-3 баравар юқори қўшилган қиймат яратадиган инновацион махсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш**, бунда:<br>Умумий қиймати 7,6 млрд сўмлик жами 2 та | **1.** Чуст инновацион ҳудудида бирламчи ва иккиламчи полиолефин маҳаллий хом ашёси ҳамда ёғоч чиқиндилари *(ғўзапоя, қамиш ва х.к.)* асосида импорт аналогларидан 50 фоизгача арзон ва сифатли ёғоч-полимер композитли стропила, рейка ва ёғоч тўсинлар ва бошқа инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологиясини тижоратлаштириш лойиҳасини амалга ошириш, бунда:<br>замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва янги технология асосида ишлаб чиқариш тузилмасини яратиш | 2022 йил август | Инновацион тадбиркорлик субъектлари маблағлари, давлат илмий дастурларига ажратилган маблағлар | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,** Инновацион ривожланиш бошқармаси **И. Саттаров** | Мазкур топшириқ ижросини юзасидан “CHUST DPK KOMPOZIT” МЧЖ томонидан 2022 йил 19 августдаги 44/1-сонли хатида Инновацион ривожланиш вазирининг 2021 йил 28 сентябрдаги 38-сон қарорига асосан Чуст инновацион туманидаги “CHUST DPK KOMPOZIT” МЧЖнинг Чуст инновацион ҳудудида Бирламчи ва иккиламчи полиолефин маҳаллий хом ашёси ва ёғоч чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи декоратив ёғоч-полимер композитлари ишлаб чиқариш технологиясини тижоратлаштиришга тайёрлаш лойиҳаси учун 1,4 млрд.сўм маблағ ажратилган. Лойиҳа доирасида ишлаб чиқариш биносини барпо этиш мақсадида лойиҳа ташаббускорининг ўз |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тижоратлаштиришга тайёрлаш лойиҳаларини амалга ошириш асосида ҳудудларда инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, 12 та янги иш ўринларини яратиш. | орқали<br>1 м$^3$ ёғоч-полимер маҳсулотини 1,5 млн сўмгача миқдорда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;<br>йилига 200 минг м$^3$ арзонлаштирилган ёғоч-полимер композит қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;<br>йилига 120 минг тоннагача иккиламчи полиэфин ва 150 минг тоннагача ёғоч чиқиндиларини қайта ишлашни ташкил этиш.<br>**2. Чуст** инновацион ҳудудида **ерёнғоқ хом ашёсини инновацион усулда қайта ишлаш** асосида юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш, бунда:<br>йилига **1 000 тонна** маҳаллий ерёнғоқ хом ашёсини саноат усулида қайта ишлаш асосида консерваланган ерёнғоқ, паста, оқсил батончик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;<br>**1 кг** ерёнғоқ хом ашёси нархига нисбатан **1,8 баравардан 4,3 бараваргача** юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш;<br>умумий қиймати **5,5 млрд сўмлик** инвестиция маблағларини ўзлаштириш асосида йиллик **1,1 млн АҚШ доллари** миқдорида экспорт ҳажмига эришиш. | 2022 йил март<br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br>2022 йил | Инновацион тадбиркорлик субъектлари маблағлари, давлат илмий дастурларига ажратилган маблағлар | | маблағлари ҳисобидан қурилиш ишлари амалга оширилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “CHUST DPK KOMPOZIT” МЧЖга ажратилган маблағлар ҳисобидан Наманган шаҳри, Давлатобод туманида жойлашган «Ёшлар» саноат зонасига замонавий технологик асбоб-ускуналар олиб келиниб, ўрнатилди. Топшириқ ижроси юзасидан барча амалга оширилган ишлар бўйича умумий ҳисобот шакллантирилиб, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2022 йил 19 августдаги 02-09/4708-сонли хати орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.<br><br>Бажарилди.<br>Инновацион ривожланиш вазирлиги Ҳайъатининг 2021 йил 21 декабрдаги мажлисининг 57-сон қарорига асосан Чуст туманидаги “OLMOS PEANUTS” МЧЖнинг “Чуст инновацион ҳудудида ерёнғоқ хомашёсини инновацион усулларда қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш” тижоратлаштиришга тайёрлаш лойиҳасига 1,53 млрд. сўм маблағ ажратилди.<br>Ҳозирги кунда “OLMOS PEANUTS” МЧЖнинг Чуст туманидаги ишлаб чиқариш базасида ерёнғоқ хом-ашёсини қайта ишлашга мўлжалланган технологик асбоб-ускуналар ўрнатилган, унда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар, жумладан ерёнғоқ хом ашёсидан консерваланган ерёнғоқ, паста, оқсил батон маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси синовдан ўтказилди ҳамда Чуст тумани ҳудудидаги ерёнғоқ етиштирувчилардан |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | харид қилиниб (энг олий нави ҳар килограми 9-10 мингдан), йиғиб олинган дастлабки ерёнғоқ хом-ашёси қайта ишланди. Ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорларда килограми 20-25 АҚШ доллари эквивалентида таклиф қилинаётган шу турдаги маҳсулотларни “OLMOS PEANUTS” МЧЖ томонидан 150 минг сўмдан ишлаб чиқаришга эришилди. Топшириқ ижроси юзасидан барча амалга оширилган ишлар бўйича умумий ҳисобот шакллантирилиб, 2022 йил 25 мартдаги 01-09/1604-сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди. |
| 55. | **232-банд.**<br>**3 та** туманда **перинатал марказлари** ташкил этиш. | Уйчи, Янгиқўрғон ва Чуст туманларида туманлараро 30 ўринли перинатал марказларини ташкил қилиш. | 2022 йил август | **3,5 млрд.сўм**<br>*(Соғлиқни сақлаш вазирлиги маблағлари)* | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Ғ.Муродхўжаев,** Соғлиқни сақлаш бошқармаси **А.Иминов,** Уйчи, Янгиқўрғон ва Чуст тумани ҳокимликлари | Мазкур топшириқ ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги “Ўзбекистон Республикасида перинатал тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш тўғрисида”ги 151-сонли буйруғини 3-иловасига хамда НВССБнинг 2021 йил 19 августдаги 179- сонли буйруғи билан Янгиқўрғон, Чуст ва Уйчи туман тиббиёт бирлашмасининг туғруқ комплекслари негизида туманлараро перинатал марказлар амалдаги штатлар доирасида ташкил этилган.<br>Ушбу туманлараро перинатал марказлар ходимларининг касбий салоҳиятини ошириш борасида вилоят перинатал марказининг 6 нафар ходими, 2 нафар акушер-гинеколог, 2 нафар неонатолог ва 2 нафар доялар тренерлар сифатида ўқитилди ва малакаси оширилди.<br>Ушбу тренерлар томонидан худудий туғруқ комплексларининг 68 нафар ходими 2 гуруҳга ажратиб малакаси оширилди. Ҳозирги кунда ходимлар ўз ҳудудларида самарали фаолият олиб бормоқда.<br>Туманлараро перинатал марказларда |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | фаолият кўрсатувчи шифокорлар малакасини ошириш юзасидан ССВ Ўзбекистондаги ЮНИСЕФ ваколатхонаси ўртасида тасдиқланган ўқув дастурлари бўйича 46 туманлараро перинатал ходимлари учун ўқув тренинглар ўтказилиши мақсадида 2022 йил 08-13 август кунлари марказда Республика перинатал маркази ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази акушер-гинекологи Саидумарова Дилдора, Жиззах вилоят перинатал маркази акушер-гинекологи Ишматова Нигора, Тошкент вилоят перинатал маркази директор ўринбосари, неонатологи Разыкова М.З. Фарғона вилоят перинатал маркази неонатологи Касимова Умида, Республика перинатал маркази дояси Арипова Р.С., Фарғона вилоят перинатал маркази дояси Каримова Солияхонлар томонидан ўқув дастурларини ўтказилди, режа-жадвалида кўрсатилган ходимлари иштироки таъминланди.<br>Янгиқўрғон туманлараро перинатал марказининг неонатологи Н. Хаялиева Россия Федерациясида малака оширди.<br>Бугунги кунда, ушбу туманлараро перинатал марказларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига эҳтиёж берилган.<br>Вазирлик томонидан босқичма-босқич жиҳозларни етказиб берилиши кўзда тутилган.<br>1. Янгиқўрғон, Уйчи ва Чуст туман туғруқ комплексларининг бинолари хатловдан ўтказилди.<br>2. Хатлов натижаларига кўра, Янгиқўрғон туман туғруқ комплекси ўрнида ташкил этилган туманлараро перинатал маркази учун келгусида қўшимча бино қуриш |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | режалаштирилди.<br>Чуст туманлараро перинатал маркази биносида жорий таъмирлаш ишлари якунланди. |
| 56. | **237-банд.**<br>**Замонавий фармацевтика кластерлари** ҳамда зоналарини **ташкил этиш** ва **мавжудларини янада ривожлантириш** бўйича қўшимча чора тадбирлар ишлаб чиқиш. | 1. Вилоятларда фармацевтика саноати соҳасида **янги истиқболли лойиҳалар** рўйхатини ташаббускорлар, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда улар билан биргаликда **таклифлар шакллантириш**.<br>2. Таклифлар асосида аниқланган ҳудудда **фармацевтика соҳасига ихтисослашган кластер, эркин иқтисодий зонани ташкил этиш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритиш. | 2022 йил декабрь | – | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **О.Инамов,** Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси **Н.Абдуллаев,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, “Косонсой-фарм” ЭИЗ дирекцияси **Ю.Мубораков,** Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳудудий бўлими **У.Каримов** | “Косонсой-фарм” эркин иқтисодий зонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон Фармони билан ташкил этилган.<br>“Косонсой-фарм” ЭИЗ Косонсой тумани, Гурмирон қишлоғида жами 105,5 гектар ер майдонида жойлашган. Шундан, 24,2 гектар инфратузилма объектлари, 81,3 гектари инвестиция лойиҳалари жойлаштириш ва 68,1 гектари плантация учун ажратилган. Лойиҳалар жойлаштирилган 78,8 гектар ва бўш ер майдони 2,5 гектар.<br>“Косонсой-фарм” ЭИЗ худудида қиймати 107,2 млн долларлик 16 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1 336 нафар янги иш ўринлари яратилади.<br>Бугунги кунга қадар ЭИЗ ҳудудида қиймати 14,0 млн долларлик 7 та лойиҳалар амалга оширилган ва 371 нафар янги иш ўринлари яратилган.<br>ЭИЗда қиймати 20,5 млн долларлик 3 та лойиҳалар амалга оширилмоқда ва 410 нафар янги иш ўринлари яратилади.<br>Шундан, жорий йилда қиймати 4,2 млн долларлик 1 та лойиҳа ишга туширилади ва 50 нафар янги иш ўринлари яратилади.<br>ЭИЗда қиймати 72,7 млн долларлик 6 та истиқболли лойиҳалар бўйича Миср, Покистон ва Россия давлатларидаги компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда ва 555 нафар янги иш ўринлари яратилиши ҳамда 40,5 млн доллар хорижий инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган. |
| 57. | **240-банд.**<br>Ҳудудларда **оилавий** | Туман(шаҳар)ларда мавжуд эҳтиёж, аҳолининг таклифларини | 2022 йил октябрь | Хисоб китоб асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари | Туман(шаҳар)ларда мавжуд эҳтиёж, аҳолининг таклифларини инобатга олган |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **поликлиникалар**ни ташкил этиш. | инобатга олган ҳолда **2 та** оилавий поликлиникани ташкил этиш. | | | **Ғ.Муродхўжаев,** Соғлиқни сақлаш бошқармаси **А.Иминов,** Молия бошқармаси **З.Бахриддинов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | ҳолда 2 та оилавий поликлиникани ташкил этиш кўрсатилган.<br>Наманган вилоят ҳокимининг<br>2021 йил 27 апрелдаги “Вилоят аҳолисига малакали тиббий хизматлар кўрсатиш ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига қўлай шарт-шароитлар яратиш учун<br>чет-эл клиникаларига бориб муолажа олишларини камайтириш мақсадида вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар учун маблағ ажратиш тўғрисида”ги<br>143-ф-сонли фармойиши қабул қилинди.<br>Ушбу фармойишга асосан Наманган шаҳар “Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғини худудида қуриладиган<br>200 қатновли оила поликлиникасида бажариладиган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларга ва “Келажак тонги” маҳалла фуқаролар йиғини худудида қуриладиган 250 қатновли оила поликлиникасида бажариладиган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларига 19 млрд. 752,0 млн. сўм маблағ ажратилган.<br>2022 йил 1 октябрдан юқоридаги 2 та оилавий поликлиника ўз фаолиятини бошлади.<br>1. Наманган шаҳар, Давлатобод тумани ҳудудидаги Ғирвон МФЙ ҳудудига янги 250 қатновли оилавий поликлиника биносини қуриш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 11,7 млрд. сўм маблағ ажратилди ва пудратчи “Бунёдкор Мубошер” МЧЖ томонидан қуриш ишлари амалга оширилди ҳамда объект фойдаланишга топширилди.<br>2. Наманган шаҳар, Машад МФЙ ҳудудига янги 250 қатновли оилавий поликлиника биносини реконструкция қилишга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 5,2 млрд. сўм маблағ |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ажратилди ва пудратчи “Бунёдкор Мубошер” МЧЖ томонидан қуриш ишлари амалга оширилиб, объект фойдаланишга топширилди. |
| 58. | **241-банд.** Ҳудудларда **оилавий шифокор пунктлари**ни ташкил этиш. | Туман(шаҳар)ларда мавжуд эҳтиёж, аҳоли томонидан билдирилган таклифларини инобатга олган ҳолда **8 та** оилавий шифокор пунктларини ташкил этиш. | 2022 йил ноябрь | Хисоб китоб асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Ғ.Муродхўжаев** Соғлиқни сақлаш бошқармаси **А.Иминов,** Молия бошқармаси **З.Бахриддинов** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон Фармони ижроси бўйича вилоятнинг туман тиббиёт бирлашмалари таркибидаги 8 та оилавий шифокор пунктлари 2022 йилда қайта очиш белгиланган.<br>Шундан жорий йил давомида Косонсой туманидаги “Чак” ОШП, Наманган туманиги “Кичик Қурама” ОШП, Норин тумани “Ҳўжақўрғонча” ОШП, Чортоқ тумани “Ласкидон” ОШП, Чуст туманидаги “Варзигон” ОШП ва Янгиқўрғон туманидаги “Кўкёр” ОШПлар фаолияти қайта тикланди.<br>Вилоятдаги туманларда 8 та оилавий шифокорлик пунктлари ташкил этилди.<br>(Учқўрғон туманида 1 та, Косонсой туманида 1 та, Янгиқўрғон туманида 2 та, Чуст туманида 1 та, Норин туманида 1 та, Уйчи туманида 1 та, Чортоқ туманида 1 та ОШПлар). |
| 59. | **245-банд.** Жисмоний тарбия ва спорт билан **мунтазам шуғулланадиган** фуқароларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг **умумий сонини ошириш.** | **1.** Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолини **2022 йилда 26.9 фоизга чиқариш.** Бунда:<br>- оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини соғлом турмуш тарзига ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиш бўйича **тарғибот материалларини тайёрлаш**. | 2022 йил давомида | Смета харажатлари асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари **А.Мансуров,** **Б.Нуритдинов,** Туризм ва спорт бош бошқармаси ўринбосари **А.Туйчиев,** Ахборот ва оммавий | Бажарилган.<br>Вилоятимизда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи аҳолини 2022 йилда 26.9 фоизга ошириш мақсадида 2022 йил учун “Маҳалла бай ишлаш” доирасида оммавий спорт тадбирлар йиллик, ойлик, хафтали ва кунлик календарь режаси ишлаб чиқилган ҳамда ижрога йўналтирилди. Ушбу йиллик календар режага асосан |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | - маҳаллаларда спорт билан шуғулланиш учун **шарт-шароитларни яратиш**, спорт жиҳозлари билан таъминлаш;<br>- маҳалла, туман ва шаҳар кесимларида **спорт тадбирларини ташкил қилиш**.<br>**2.** Жисмоний тарбия ва спортга жалб қилинган **ёшлар улушини 32 фоизга етказиш**. Маҳаллаларда спорт билан шуғулланувчилар учун қўшимча имкониятлар яратиш. Бунда:<br>- маҳаллада ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун **зарурий инфратузилмани яратиш**;<br>- маҳалла ёшларини спортга жалб қилиш даражаси рейтингини шакллантириш ҳамда мониторинги асосида маҳаллаларда спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшларни **2022 йилда 32 фоиз**га ошириш.<br>Бунда:<br>- миллий спорт турлари тўғрисида дарслик ва адабиётларнинг **янги авлодини яратиш**;<br>- таълим муассасаларида миллий спорт турларини ўқитиш ва мутахассислар тайёрлаш **тизимини янгилаш**.<br><br>**4.** Жойларда **оилавий спортни рағбатлантириш** ва анъанага айлантириш.<br>Бунда:<br>- оилавий спорт билан шуғулланишни **рағбатлантириш**, спорт билан мунтазам шуғулланувчи | 2022 йил февраль<br><br>2022 йил май | | коммуникациялар агентлиги **А.Эргашев,** Наманган телеведенияси **М.Мақсудов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | “Нуронийлар”, “Хотин-қизлар”, “Уюшмаган ёшлар”, “Ўқувчи ёшлар” хафталиги доирасида оммавий спорт тадбирлари барча туман (шахар)лар маҳалларида мунтазам равижда ўтказилмоқда. Ўзказилаётган оммавий спорт тадбирлар кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиб кенмоқда. Ўтказилган мусобақалар асосида 26.9 фоизга чиқарилди;<br>- маҳаллаларда спорт билан шуғулланиш учун аҳолига етарли шарт-шароитларни яратиш, мақсадида туман (шаҳар) маҳалларида жойлашган умумтаълим мактаблари, болалар ўсмирлар спорт мактаблари спорт иншоотларини дарс-машғулотларидан бўйш вақтларида 17:00-22:00 гача худуддаги аҳоли бепул фойдаланишлари учун очиб берилиб бир нафардан мураббий бириктирилган, уларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 29 ноябр кунидаги 848-ИЧ сонли буйруғига асосан Наманган вилояти Туризм ва спорт бошқармаси тасарруфидаги спорт таълим муассасалари учун республика бюджетидан жами 2 млрд 335,3 минг сўм маблағ спорт жихозлари хариди учун ажратилди. Наманган вилояти туризм ва спорт бош бошкармасининг 2021 йилд<br>6 декабрдаги 222/1 сонли буйруғига асосан 19 турдаги 1 069 дона спорт жихозлари электрон биржа (milliydokon.uzex.uz) савдоларидан харид қилинди.<br>Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 3 декабр кунидаги 859-ИЧ сонли буйругига асосан, Наманган вилоятидаги 65 та шахмат |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | оилаларга қўшимча **имкониятлар яратиш** ва оилавий спорт тадбирларини ривожлантириш;<br>- оилавий спорт билан шуғулланиш учун маҳалларда, истироҳат боғларида **шароит яратиш**;<br>- имконияти чекланган ёшлар учун **инфратузилма яратиш**.<br>-имконяти чекланган ёшларни спорт билан шуғулланиши учун шарт-шаротлар яратиш | | | | тўгараклари очилган умумий ўрта таълим мактаблари учун шахмат доскаси, магнитли шахмат доскаси, фигуралари, шахмат соати ва қўлланма учун республика бюджетидан 80,0 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағ 5 196, млн. сўмлик 130 дона жихоз электрон биржа (shop.uzex.uz) савдоларидан харид қилинди.<br>- маҳалла, туман ва шаҳар кесимларида спорт тадбирларини ташкил қилиш юзасидан спортнинг юриш, югуриш, баскетбол, волейбол, мини футбол, стол теннис, шахмат, шашка, бадминтон, стретбол ва workaut турларидан маҳалла, секторлар, туман (шаҳар) ва вилоят биринчилиги яний 3-босқичли мусобақалар ташкил этилган. Хозиги кунда ушбу спорт мусобақални туман босқичлари худудларда бўлиб ўтмоқда.<br>2. Жисмоний тарбия ва спортга жалб қилинган ёшлар улушини 32 фоизга етказиш. Маҳаллаларда спорт билан шуғулланувчилар учун қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида вилоятдаги 780 та маҳаллаларга малакали тренерларни бириктирган ҳолда худудида хатлов ўтказиш спорт мусобақалари ташкил этиш орқали аҳоли ва ёшларни спорга қизиқишларини оширада ҳамда ёшлар орасида спорга қизиқиш билдирган, иқтидорларни аниқлаб худудидаги спорт таълим муассасаларига йўналтиш орқали мунтазам спорт билан шуғулланувчи ёшлар сонини оширишга эришилмоқда.<br>Наманган вилояти "Келажак лидерлари" клуби аъзоларининг ташаббуси билан Давлатобод туманидаги "Орзу" маҳалласида Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими билан ҳамкорликда "Келажак лидерлари" маҳалла ёшлари |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | билан бирга! мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Семинар доирасида маҳаллаларда маънавий - маърифий ҳамда спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича лидерлар томонидан Президентнинг ёшлар бўйича маҳаллалардаги вакиллари учун тавсиялар берилди ҳамда юриш марафони, мини футбол, арқон тортиш, стол тенниси, шахмат ва шашка, камондан ўқ отиш, армрестлинг каби турли спорт мусобақалари ҳамда болалар ўртасида асфальтга расм чизиш, варрак учириш каби танловлар ўтказилди. https://t.me/namvilhok/53562,<br>"Навбаҳор" жамоасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида "Навбаҳор" жамоасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда Наманган вилояти ҳокими, вилоят футбол ассоциацияси президенти Шавкатжон Абдуразаков, вилоят сектор раҳбарлари иштирок этдилар. https://t.me/namvilhok/53547<br>Янги Ўзбекистон ёшлари — келажагимиз ва истиқболимиз пойдеворидир.<br>Наманган вилоят ҳокими бошчилигидаги сектор раҳбарлари Косонсой тумани марказидан 25 километр йироқда жойлашган, Қирғизистон билан чегарадош “Хонқўрғон” маҳалласида "Маҳалла ёшларининг бир куни" шиори остида ўтказилган ёшлар фестивалида иштирок этишди. Вилоят ҳокими дастлаб, фестивал доирасида "5000 қадам" юриш марафонида иштирок этди. Шунингдек, вилоят раҳбари мини футбол, воллейбол, стол тенниси каби спорт мусобақаларида иштирок этиб , "Заковат" интеллектуал ўйини, меҳнат ярмаркаси, ҳарбий техникалар намойиши ҳамда ош мусобақалари-нинг гувоҳи бўлди. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | https://t.me/namvilhok/53346?single |
| 60. | **246-банд.**<br>Наманган ёшлари ўртасида **миллий спорт турларини оммалаштириш.** | 1. Бунда:<br>миллий спорт турлари тўғрисида дарслик ва адабиётларнинг **янги авлодини яратиш**;<br>таълим муассасаларида миллий спорт турларини ўқитиш ва мутахассислар тайёрлаш **тизимини янгилаш**.<br>2. Миллий спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш **инфратузилма яратиш**.<br>Бунда:<br>Миллий спорт турлари бўйича мутахассилар, тренер-ўқитувчиларнинг худудларга чиққан ҳолда камчиликларни аниқлаш.<br>- миллий спорт турларини ривожлантириш учун моддий техника базасини яхшилаш.<br>- миллий спорт билан шуғулланаётган **ёшларни**, ушбу спорт турлари билан мунтазам шуғулланишига қўшимча **имкониятлар яратиш,** спорт тадбирлари сифат даражасини яхшилаш;<br>- миллий спорт турларини оммавийлигини оширишда алохида **дастур яратиш**;<br>**-** оммавий ахборот воситаларида миллий спорт турлари акс эттирувчи кўрсатувларни мунтазам ёритиб бориш. | 2022 йил апрель | Смета харажатлари асосида | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари **А.Мансуров, Б.Нуритдинов,** Туризм ва спорт бош бошқармаси ўринбосари **А.Туйчиев**, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси **А.Мансуров**, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги **А.Эргашев,** Наманган телеведенияси **М.Мақсудов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Бажарилган.<br>Вилоятда миллий спорт турларни ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида спорт ттаълим муассасалари миллий спорт турларидан секция ва тугараклар ташкил этилмоқда.<br>Миллий спорт турлари бўйича мутахасисларни малакасини ошириш йиллик режаси ишлаб чиқилган ҳамда муддати келган тингловчилар вазирлик тасарруфидаги Фарғона вилоятидаги малакасини ошириш марказига ўқишга юборилмоқда.<br>Оммавий ахборот воситаларида миллий спорт турлари акс эттирувчи кўрсатувларни мунтазам ёритиб бориш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.<br>Спортни ривожлантириш бош бошқармаси томонидан миллий спорт турлари бўйича тизим ташкилотларини тренер мураббийлари жорий йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида ўрганиш ишлари олиб борилди.<br>Жорий йилнинг сентябр ойида Наманган шаҳрида спортнинг белбоғли кураш тури бўйича илк бор Жаҳон чемпионати ўтказилди. Ушбу жаҳон чемпионатида дунёнинг 25 дан ортиқ давлатлари иштирок этиб 10 дан ортиқ вазнда кураш олиб бордилар.<br>Белбоғли кураш бўйича Спортни ривожлантириш вазирлигининг буйруғига асосан Прокурор кубогининг маҳалла туман ва вилоят босқичлари юқори даражада ўтказилди.<br>Ўтказилган барча мусобақалар маҳаллий ва республика ОАВларда ҳамда бош бошқарманинг ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларида ёритиб борилганини маълум қиламиз. |
| 61. | **247-банд.** | 1.Вилоятда спортнинг | 2022 йил | Республика ва | Вилоят ҳокимининг | Бажарилган. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Аҳоли ўртасида **соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш**ни тизимли йўлга қўйиш, аҳолига жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун **шароит яратиш.** | оммавийлигини ошириш мақсадида **худудларда** юриш, югуриш **саломатлик йўлаги, мини-футбол, банминтон, велоспорт, стретбол “Workout”** спорт турларини устувор турлари этиб белгилаш<br>-туман (шахар)ларда замонавий юриш, югуриш саломатлик йўлаги, мини-футбол, банминтон, велоспорт, стретбол “Workout” **майдонларини барпо этиш.**<br>2. Ахолини барча қатламлари ўртасида айниқса чекка ҳудудлар ва қишлоқларда **соғломлаштириш ишларини** янада ривожлантириш. Бунда:<br>-оммавий спорт тадбирларни ахолини барча қатламлари ўртасида айниқса ёшлар, уюшмаган ёшлар, хотин-қизлар ва нуронийлар ўртасида турли спорт фестеваль, мусобақалар ўтказиб бориш. | | маҳаллий бюджет маблағлари | ўринбосари **А.Мансуров, Б.Нуритдинов,** Туризм ва спорт бош бошқармаси ўринбосари **А.Туйчиев**, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги **А.Эргашев,** Наманган телеведенияси **М.Мақсудов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | 1.Вилоятда спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида худудларда юриш, югуриш саломатлик йўлаги, мини-футбол, банминтон, велоспорт, стретбол “Workout” спорт турларини устувор турларидан 2022 йил учун оммавий спорт мусобақалар календар режаси ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган. Ушбу спорт мусобоқалар календарь режасида жами 470 та тадбирларга<br>3 млярддан ортиқ маблағлар ажратилмоқда<br>-туман (шахар)ларда замонавий юриш, югуриш саломатлик йўлаги, мини-футбол, банминтон, велоспорт, стретбол “Workout” майдонларини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан 2021 йилда саломатлик йўлаги 97 км қурулган бўлса 2022 йилда эса яна 97 км куруш режалаштирилган, “Workout” майдонлари эса худудларга жами 15 та хар бири 340 млндан куруш режалаштирилган.<br>2.Аҳолини барча қатламлари ўртасида айниқса чекка ҳудудлар ва қишлоқларда соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш. Бунда:<br>-оммавий спорт тадбирларни ахолини барча қатламлари ўртасида айниқса ёшлар, уюшмаган ёшлар, хотин-қизлар ва нуронийлар ўртасида турли спорт фестеваль, мусобақалар барча туман шахарларда ўтказилиб борилмоқда.<br>Жорий йил 5 феврал куни Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани туризм салоҳияти юқори бўлган Нанай қишлоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5282-сонли қарори ижросини амалда таъминлаш мақсадида Наманган вилояти Туризм ва спорт бош бошқармаси томонидан вилоят Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бошқармаси билан |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ҳамкорликда, бош бошқарма аппарат ҳодимлари, барча туман (шаҳар) Туризм ва спорт бўлими бошлиқлари ҳамда барча спорт ва таълим муассаса раҳбарлари ўртасида “Оммавий спортни кенг тадбиқ этиш” мавзусида семинар, "Саломатлик учун 5000 қадам", камондан отиш, бадминтон, стол-теннис ва мини футбол спорт турлари бўйича “Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи” кубоги бўлиб ўтди. Семинар давомида Оммавий спортни ривожлантириш, ҳудудларни ихтисослаштириш ва оммавий тадбирларни ташкил етиш бўлими бошлиғи А.Ахмадалиев томонидан Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида тақдимот ўтказилди. Матбуот хизмати раҳбари Ҳ.Мамадалийев томонидан аҳолини спортга жалб етишда ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти мавзусида тақдимот ўтказилди. Рақамлаштириш бўйича бош мутахассис А.Атаханов томонидан ахборот ҳавфсизлиги ҳамда соҳа йўналишларини рақамлаштириш бўйича тушунчалар берилди.<br>Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-октабрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ етиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармонига мувофиқ, республикада аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда — юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, “Wоркоут” (маҳалла ва кўча фитнеси) спортнинг устувор турлари етиб |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | белгиланган. Нанай қишлоғининг гўзал манзараси бағридан жой олган 2-Болалар ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган тадбирнинг якуний қисмида комондан отиш, бадминтон, стол-теннис ва мини футбол спорт турлари бўйича беллашувларда совринли ўринларни қўлга киритган иштирокчиларни 1-2-3-ўрин дипломи ва есдалик совғалари билан тақдирланди ва ўз якунига етди. Навбатдаги семинар вилоятимизнинг туризм салоҳияти юқори бўлган Поп туманининг Чодак қишлоғида ўтказилиши режалаштирилди.<br>https://t.me/namvilhok/50758 |
| 62. | **248-банд.**<br>Давлат органлари ходимлари ва аҳоли ўртасида турли **оммавий спорт тадбирлари**ни ташкил этиш. | 1.Наманган вилоятида идора ва ташкилотлар ходимларини ва аҳолини спорт тадбирларига жалб қилиш, улар ўртасида мусобақалар ташкил қилиш.<br>-давлат органлари ходимлари ва аҳоли ўртасида турли оммавий спорт тадбирлар йиллик календарь режасини ишлаб чиқиш.<br>-календарь режага асосан юриш, югуриш**,** мини-футбол, банминтон, велоспорт, стретбол “Workout” спорт турларидан доими мусобақалар ўтказиш.<br>2. ўтказилган тадбирлар жараёнини доимий равишда оммавий ахборот, баннерлар ва видео роликлар орқали таниқли спортчилар фаолиятини ёритиб бориш. | 2022 йил | Ижрочилар маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Б.Нуритдинов,** Туризм ва спорт бош бошқармаси ўринбосари **А.Туйчиев**, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги **А.Эргашев,** Наманган телевидениеси **М.Мақсудов** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Бажарилган.<br>1.Наманган вилоятида идора ва ташкилотлар ходимларини ва аҳолини спорт тадбирларига жалб қилиш, улар ўртасида мусобақалар ташкил қилиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ижроси таъминланмоқда<br>-календарь режага асосан юриш, югуриш, мини-футбол, банминтон, велоспорт, стретбол “Workout” спорт турларидан доими мусобақалар ўтказиб келинмоқда..<br>Ўтказилган тадбирлар жараёнини доимий равишда оммавий ахборот, баннерлар ва видео роликлар орқали таниқли спортчилар фаолиятини ёритиб борилмоқда.<br>Наманган вилоятидаги маҳаллаларда жами 756 та спорт майдонлари жумладан, 655 та “Workout”, 15 та 97,5 км масофага эга бўлган “Саломатлик йўлаклари” ва “Велоспорт йўлаклари”, 59 та “Stirtbol”, 17 та мини-футбол ва 10 та “Бадминтон” майдонлари ташкил этилган.<br>ПҚ-5282 ҳамда ПҚ-201 сонли қарорларга асосан вилоятда 35 та универсал спорт майдончалари қуриб фойдаланишга топширилди ва беғараз фойдаланиш учун |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | МФЙлар балансига ўтказиб берилди.<br>ПҚ-201 сонли қарорга асосан вилоятда Беш ташаббус олимпиадаси доирасида стритбол, енгил атлетика ва бошқалар бўйича бўйича 2 масумда спорт мусобақалари ўтказилиб 1 млндан ортиқ ёшлар ушбу спорт турларига қамраб олинди.<br>ПҚ-5282 сонли қарорнинг 9 бандига асосан мини футбол бўйича 3 босқичли спорт мусобақалари ўтказилди. Жумладан Раҳбар кубоги, Янги Ўзбекистон ёшларимиз шиорлари остида мини футбол мусобақлари ўтказилиб вилоят терма жамоаларининг республика босқичларида иштироки таъминланди. Ўтказилган мусобақаларда 500 дан ортиқ иштирокилар қамраб олинди.<br>Вилоятда 2022 йилда 13847 та спорт мусобақалари ўтказилиб аҳоилининг 33 фоизини қамраб олишга эришилди.<br>Ўтказилган барча спорт мусобақалари бош бошқарма, вилоят ва республиканинг ОАВларида ёритилди.<br>https://t.me/namanganakm/5760 |
| 63. | **255-банд.**<br>Ёшларни ватанга садоқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш. | Туман ва шаҳарларда “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик” шиори остида ёшлар фестиваллари ва форумларини ташкил этиш. | 2022 йил апрель-июнь | – | Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари **Ғ.Муродхўжаев, Б.Нуритдинов,** Ёшлар ишлари агентлиги **Б.Мирзатов**, Маданият бошқармаси **К.Сиддиқов**, Туризм ва спорт бошқармаси **А.Тўйчиев**, Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | Ёшларни ватанга садоқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга даҳлдорлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги наманган вилоят бошқармаси бошлиғининг жорий йил 25 май куни 02-06/53 сонли буйруғи ишлаб чиқилди.<br>Мазкур буйқуққа асосан Наманган вилоятида 1 июнь куни «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестивалга таниқли ўзбек санъаткорлари ташриф буюрдилар. Бир қатор фаол ёшлар вилоят ҳокими томонидан тақдирландилар. Фестивалга 100 мингдан зиёд ёшлар иштирок этдилар. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Мазкур фестиваль июнь ойи давомида вилоятимизнинг 14 та шахар ва туманларида ўтказилди. |
| **V. МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ** | | | | | | |
| 64. | **262-банд.** Ҳудудларда **“Жаҳолатга қарши маърифат”** ғояси асосида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш. | Тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни шакллантириш. | Йил давомида | – | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Ғ.Муродхўжаев,** Вилоят маънавият ва маърифат маркази **М.Аппаков,** Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари | Йил давомида вилоятда **“Жаҳолатга қарши маърифат”** ғояси остида **369** та ташкилотда **773** маротаба, **728** та маҳаллада **2943** маротаба, **6** та ОТМ ва **14** та касб-ҳунар мактабларида **103** маротаба ҳамда **686** та умумий ўрта таълим мактабларида **2227** маротаба “Инсон қадри учун” тамойили асосида ижодкорлар, ёзувчи, шоирлар, маънавият тарғиботчилари иштирокида ҳудудларда “Маърифатли жамият – жаҳолатни қоралайди”, “Диний бағрикенлик ва мутассиблик”, Ижтимоий-маънавий барқарорлик– мамлакат тараққиётининг муҳим омилларидан биридир”, Огоҳлик – давр талаби”, “Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш”, “Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид”, “Жиноятдан сақланинг” рукнида “Коррупция жамият тараққиётига таҳдид”, “Коррупция ва жиноятчиликни олдини олиш масалалари”, “Фирибгарлик жиноятини содир этган шахс қонун олдида жавоб беради”, “Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш”, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ҳимоясида”, “Ёшларни ватанпарварлик ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш” каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.<br>Тадбирлар доирасида Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими томонидан “Жиноятдан сақланинг”, “Фирибгарлик жиноятини содир этган |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | шахс қонун олдида жавоб беради”, “Коррупциясиз келажак сари” номли тарғибот материаллари тадбир иштирокчиларига тарқатилди.<br>Шунингдек, дин билан боғлиқ вазият ўзгарувчанлиги қайд этилган ҳудудларда ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмнинг зарарли оқибатлари тўғрисида манзилли тушунтириш ва профилактика тадбирлар 42 мартоба ташкил этилди. Давлат ва жамоат ташкилотларида диний акидапарастлик, экстремизм ва терроризм билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш, диний соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатини тушунтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини **84** маротаба ташкил этилди. Олиб борилган маънавий-маърифий тадбирларга жами вилоят бўйича **261790** нафар аҳоли ва 176600 нафар ёшлар қамраб олинди.<br>Шунингдек, ўтказилган барча маънавий-маърифий тадбирлар 2570 маротаба Telegram ҳамда 1642 маротаба Facebook ижтимоий тармоқларида ёритиб борилди.<br>Ўтказилган оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда миллий ғоя ва маънавий қадриятларга, аҳоли, айниқса ёшлар орасида радикал кайфиятларни уйғотишга, ахлоқсизликни ёйишга қаратилган бузғунчи ғояларга қарши самарали рақамли тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида ижтимоий тармоқларда бузғунчи ғояларга қарши самарали рақамли тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида: ахборот материаллари – 173 та, мақола – 130 та, расм – 315 та, тақдимот – 17 та, инфографика – 8 та, видеороликлар – 168 та жойлаштирилди.<br>Жумладан, Поп туманидаги Озод |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ҳамда Боён МФЙларида маҳаллалар аҳолиси иштирокида ёшларимизнинг дунёвий, илмий, ахлоқий салоҳиятини юксалтириш, уларда юрт истиқлолига садоқат, миллий-маънавий ва диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида “Жахолатга қарши маърифат” тарғибот тадбирлари ўтказилди.<br>Чуст туманидаги давлат корхона ва ташкилотларида ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш юзасидан тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Жумладан, Чуст туман ДСИ ходимлари билан "Диний мутаассибликнинг зарарли таъсирлари", "Кийиниш одоби", "Миссионерликнинг зарарли таъсири" мавзуларида сухбатлар ўтказилди.<br>Давлатобод туманида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида “Шукроналик тинчлик кафолати” мавзусида тарғибот тадбирлари ташкил этилди.<br>Тумандаги 82-сонли умумтаълим мактабида ҳудуддаги "Қуйи Ғирвон" МФЙ маҳалла аҳолиси билан ташкил қилинган навбатдаги давра суҳбати ҳам айни шу мазмунда бўлди. Унда, "Ғози Муҳаммад ҳожи" масжиди имом хатиби А.Юсупов, вилоят ҳокимлиги мутахассиси З.Отаев, туман ҳокимлиги вакили И.Улуғбоев, туман маънавият бўлими раҳбари А.Исоқжановлар иштирок этиб, маъруза қилдилар. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсати, фуқаролар учун яратилган имкониятлар, амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад – “Инсон қадри учун...” деган тамойилни амалга ошириш |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | борасидаги асосий омил эканлиги, шунингдек, сўнгги кунларда бўлиб ўтган нотинч ҳолатлардан тегишли хулоса қилиб, ҳар бир маҳалла фуқароси юрт тинчлиги йўлида ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги ҳақида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ушбу йўналишдаги тарғибот тадбирлари бошқа маҳаллаларда ҳам давом эттирилиб, хусусан, “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси остида “Ижодкор”, “Мустақиллик”, “Юқори ровустон” маҳаллаларида давра суҳбатлари, "Юқори Ровустон" маҳалласи фуқаролари ўртасида умумпрофилактик суҳбат ташкил қилинди.<br>Косонсой туманидаги Олмазор МФЙда маҳалла аҳолсиси иштирокида "Жаҳолатга қари маърифат" шиори остида "Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш", "Жаҳолатга қарши маърифат " мавзуларида тарғибот тадбири ўтказилди. Унда огоҳликка чорловчи видеоролик намойиш этилди.<br>Косонсой тумани “Замондош” МФЙ худудида жойлашган 20-сонли умумий ўрта таълим мактабида Замондош МФЙ худудида истиқомат қилувчи фуқаролар,яъни хотин-қизлар иштирокида "Жаҳолатга қарши маърифат" шиори остида "Оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар ўртасида эрта турмуш ва эрта туғруқ ва ажримларни олдини олиш ", "Жаҳолатга қарши маърифат" мавзуларида тарғибот тадбирлари ўтказилди.<br>Косонсой туманидаги А.Навоий ҳамда “Чорбоғ” маҳаллаларида аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида хотин-қизлар ўртасида "Жаҳолатга қарши |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | маърифат" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дин ишлари қўмитаси хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси О.Орипова, Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлар идораси хотин-қизлар билан ишлаш бўлими мудири в.б. М.Абдуллаева, Косонсой тумани ҳокимининг ўринбосари Д.Турғунова иштирок этди. Тадбирда бугунги кунда Республикамизда олиб борилаётган тинчлик сиёсати, инсон қадрини улуғлаш, айниқса хотин-қизлар учун яратилаётган шароитлар, имтиёзлар, фарзандларни, айниқса қизларни тарбиялашда эътибор берилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар тўғрисида баҳс мунозаралар бўлди. Учрашувда махсус тайёрланган “Сохта даъволар” ҳужжатли фильми намойиш этилди.<br>Косонсой туманидаги 54-сонли умумтаълим мактаби ҳовлисида “Жаҳолатга қарши маърифат билан” шиори остида маънавий ва маърифий тадбир ташкилланди. Бугунги қалтис даврда ҳар бир инсонни ёт ғоялардан маънавият билан ҳимоя қилиш, уларда юксак ватанпарварлик туйғусини ва гўзал ахлоқий маданиятни янада шакллантиришга алоҳида тўхталиб ўтилди. Маърузачилар томонидан турли ғаразли кучлар томонидан ёлғон ахборотлар билан халқни давлатга қарши қўйишда фақат соғлом фикр муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидлаб ўтилди. Тадбирда Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти Илҳом Бекмирзаев иштирок этди. У аҳоли айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | борасида тушунчалар берди.<br>Наманган шаҳар “Обжувоз” ҳамда Яккасада МФЙларида “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида давра сухбатлари ўтказилди.<br>Янгиқўрғон тумани “Кўкёр” маҳалласида диний мутаассиблик ва экстремизм ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олишга қаратилган ҳамда мавжуд муаммоларни (ишсизлик, уй-жой етишмаслиги, саломатликни тиклаш, фарзандини турли курсларга йўналтириш ва бошқалар) фаоллар билан ҳал этиш юзасидан “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш ҳақида тушунтириш, тарғибот ишлари ташкил этилди. Тадбирларга 35 нафар аҳоли вакиллари қамраб олинди.<br>Янгиқўрғон тумани “Оқтепа” маҳалласида фаоллар билан “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш ҳақида тарғибот ишлари ташкил этилди. “Маънавий-маърифий тадбирларга 20 нафар аҳоли вакиллари қамраб олинди.<br>Янгиқўрғон тумани “Заркент” маҳалласида “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш ҳамда “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш ҳақида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилди. “Маънавий-маърифий тадбирларга 30 нафар аҳоли вакиллари қамраб олинди.<br>1 июль куни Учқўрғон тумани Исломобод ва Ўлжатўпи маҳаллаларида |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | маҳалла имом хатиблари ҳамда фаоллари иштирокида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Жумладан бу йўналишда тизимли ишлар ташкиллаштирилган, лекин бажарилишида сускашликка ва йўл қўйилаётган камчиликлар танқидий таҳлилий муҳокама этилиб зарур тавсиялар берилди.<br>2 июль куни Учқўрғон тумани Янгиобод маҳалласида РМММ туман бўлинмаси ва манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида маҳалла фуқаролар йиғинсида истиқомат қилувчи хотин-қизлар ўртасида хотин-қизларни ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш “Огоҳлик давр талаби” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда 60 нафар иштирокчи қатнашди.<br>6 июль куни РМММ Учқўрғон туман бўлинмаси ва манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида Учқўрғон тумани кўп тармоқли касалхонаси ходимлари иштирокида “Жаҳолатга қарши маърифат” шоири остида маънавий тадбир йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда 40 нафар иштирокчи қатнашди.<br>15 июль куни Учқўрғон туманида манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида жомеъ масжидида бугунги жума намозида Тошкент шаҳридаги «Имом Термизий» жоме масжиди имом-хатиби Исҳоқжон домла Бегматов “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида маъруза қилдилар. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 18 июль куни Учқўрғон тумани бўйлаб барча ҳудудларда "Жаҳолатга қарши маърифат билан!" шиори остида тарғибот тадбирлари, учрашувлар ўтказилди. “Жаҳолатга қарши маърифат билан” мавзусида 10 та умумий ўрта таълим макталарида ҳамда 15 та маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли ва уюшмаган ёшлар иштирокида маънавий учрашувлар ташкил этилди. Уларда республикадан бириктирилган гуруҳ вакиллари томонидан ёшлар ўртасида гиёҳвандлик иллати, ақидапарастлик, диний экстремизм, сепаратизм, терроризм ғоялари сингдирилган оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш мавзуларда суҳбатлари олиб борилди. Учрашувларда ақидапараст, террористик гуруҳлар таъсирига тушиб қолаётган замондошларимизнинг аянчли тақдири ҳақидаги видеоролик намойиш этилди. Тадбирларда Тошкентдан келган ишчи гуруҳ аъзолари, дин уламолари, вилоят ва туманда манфаатдор ташкилотлар, аҳолининг барча қатламлари иштирок этишди. Ҳар бир инсонни айниқса ёшларни ёт ғоялардан маънавият билан ҳимоя қилиш, уларда юксак ватанпарварлик туйғусини ва гўзал ахлоқий маданиятни янада шакллантиришга алоҳида тўхталиб ўтилди. Семинар спикери томонидан турли ғаразли кучлар томонидан ёлғон ахборотлар билан халқни давлатга қарши қўйишда фақат соғлом фикр муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидлаб ўтилди. Жами 11 мингга яқин иштирокчи қатнашди.<br>18 июль куни Учқўрғон тумани Қўғай маданият марказида таълим муассасаларида мактаб директорлари ва |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | маънавият бўйича директор ўринбосарлари, ота-оналар ва ўқитувчилар иштирокида маънавий-маърифий учрашув ўтказилди. Шунингдек, шу куни куннинг иккинчи ярмида Қўғай маданият марказида маҳаллалар ходимлари, аҳоли ва ёшлар иштирокида маънавий-маърифий учрашув ўтказилди.<br>Бундан ташқари, “Норин” МФЙ 8-мактаб, “Истиқлол” 9-мактаб, “Ёғду” 37-мактаб, “Узункўча” 9- мактаб, “Навбаҳор” 8-мактаб, “Кўприкбоши” Педагогика коллежи, “Тинчлик” 33-мактаб, “Қумтўғон” Учқўрғон педогогика коллежи, “Соҳил” 2-мактаб, “Янгиер” 30- мактаб, “Чек” Санъат мактаби, “Улуғбек” 40-мактаб, “Дўстлик” 1-мактабларида “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида маънавий-маърифий учрашувлар ўтказилди.<br>22 июль куни Наманган туманида жойлашган маданият марказида ҳам “Жаҳолатга қарши маърифат билан” шиори остида маънавий ва маърифий семинар-тренинг ўтказилди. Унда туман ҳокими ва сектор раҳбарлари ҳамда 250 нафардан зиёд фаол аҳоли вакиллари иштирок этди.<br>Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро интеграциялашув жараёнлари, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-ахлоқий тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажоввузларга қарши изчил кураш олиб боришга тайёрлашни барча таълим муассасалари, оила, маҳалла ва жамоатчилик ўзининг асосий вазифаси сифатида белгилаб олиши зарурлиги, бундай шароитда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш муҳимлиги айтиб ўтилди.<br>Наманган тумани хокимлиги мажлислар залида тумандаги барча махалла фуқароларидаги хотин-қизлар фаоллари билан, вилоят ҳокимлигининг бош мутахассиси З.Отаев, туман хокимининг ўринбосари "Оила ва хотин қизлар бўлими" бошлиғи М.Тўйчиева, туман хокимлиги бош мутахассиси Б.Эргашев ҳамда РМММ туман бўлинмаси бош мутахассиси Б.Назаралиевлар билан хамкорликда “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида тарғибот тадбири ташкил этилди.<br>Йиғилишда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ақидапарастликни олдини олиш, Интернет ва оммавий ахборот воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, худудларда ноқонуний диний ўқишхонликни олдини олиш, фуқароларда Ватанпарварлик ҳисларини юксалтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини олға суриш ишларини жадал олиб бориш каби масалалар бўйича тушунчалар берилиб, вазифалар белгилаб олинди.<br>28 июль куни Учқўрғон тумани Навоий ва Шолдирама маҳаллаларида маҳалла имом хатиблари ҳамда фаоллари иштирокида ижтимоий- |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Жумладан, бу йўналишда тизимли ишлар ташкиллаштирилган, лекин бажарилишида сускашликка ва йўл қўйилаётган камчиликлар танқидий тҳалилий муҳокама этилиб зарур тавсиялар берилди.<br>2022 йил 2 август куни Чуст туманида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан тарғибот тадбирлари ўтказилди. Жумладан, Чуст туман "Шоён" МФЙда жойлашган 56-сонли МТТда маънавий-маърифий учрашув ўтказилди. "Жахолатга қарши маърифат билан" рукнида ташкил этилган тадбирда "Миссионерликнинг зарарли таъсирлари", "Давлат корхона ва ташкилотларида кийиниш маданияти", "Жамиятда аёлларнинг ўрни ва вазифалари", "Ижтимоий тармоқлардан мақсадли фойдаланиш зарурияти" ҳамда 2 август – Давлат герби қабул қилинган кун муносабати билан “Гербимиз – фахримиз” мавзусида ҳам давра сухбати ўтказилди. Иштирокчилар томонидан берилган саволлар юзасидан тегишлилиги жихатидан жавоблар тўлиқ берилди.<br>8 август куни Учқўрғон тумани ҳокимлигининг мажлислар залида Республика оила ва хотин-қизлар Давлат қўмитаси масъул ходими, олима аёл Карима Норқулова туманда хотин-қизлар фаоллари ва маҳаллаладаги отинойилар иштирокида «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғоя асосида тайёргарлик ишлари ҳамда “Жаҳолатга қарши маърифат” |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | мавзусида маънавий-маърифий давра сухбати ўтказилди.<br>9 август куни Наманган тумани ҳокимлиги ҳамда РМММ туман бўлинмаси билан хамкорликда туманда Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш ишлар бўйича Наманган туманидаги Миришкор маҳалла фуқаролар йиғини биносида ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида маънавий-маърифий учрашув ўтказилди. Учрашувда ёшлар таълим тарбиясига муҳим эътибор қаратиш, "Салафийлик ва хизб-ут тахрир" дунё давлатлари миқёсида тобора авж олиб бораётган глобаллашув жараёнлари, "оммавий маданият" ва унинг ёшлар онгига салбий таъсирлари, хусусан, ёшлар ўртасида турли ноқонуний диний оқимлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларини олдини олиш, уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш маданияти, турли диний экстремистик ва террор ташкилотларининг ахборот сайтларидан огоҳ бўлиш масалалари муҳокама қилинди.<br>Республика оила ва хотин-қизлар Давлат қўмитаси масъул ходими, олима аёл Карима Норқулова ўз сўзида тумандаги аёлларни турли хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишни олдини олиш ва ишсиз аёлларни бандлигини таъминлаш бўйича маъруза қилди. Учқўрғон туманида тузилган ишчи гурух аъзолари бириктирилган маҳаллаларда олиб борилаётган фаолиятлари, ҳамкорликда ташкил этилган ишлари, юртбошимиз томонидан имзоланган фармон ва қарорлар мазмун моҳиятини |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | чекка чекка ҳудудларга етказиш, аҳоли, айниқса хотин-қизларни "Хонадонбай" ва "Маҳаллабай" муаммоларини ўрганиб, ижобий ҳал этилиш бўйича таъкидлаб ўтди. Учрашувда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича топшириқлар берилди. Тадбирда 400 нафар иштирокчи қатнашди.<br>11 август куни Учқўрғон туманида диний-ижтимоий муҳитни соғломлаштириш мақсадида туманидаги барча жоме масжидларда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Инсон қадри учун" тамойили асосида фуқаролар қабул кунлари ва жамоатчилик маслаҳат Кенгашлари ташкил этилди. Маслаҳат Кенгаши аъзолари томонидан маҳаллалардаги аҳоли, айниқса ёшлар орасидаги муаммоли диний вазиятлар, оилалардаги келишмовчиликлар ҳамда маънавий озуқа олишлари бўйича “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида маънавий-маърифий давра сухбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.<br>11 август куни Чуст тумани Ғова маданият марказида умумтаълим мактаблари директорлари ва ўринбосарлари ҳамда ота-оналар ва ёшлар иштирок этган мулоқотда айни шу мавзуларга тўхталиб ўтилди. Унда республика ишчи гуруҳ аъзолари қатнашишди. "Жаҳолатга қарши маърифат билан" рукнида ўтказилган йиғилишда "Ёшларни ёт ғоялардан сақлаш" ҳамда "Меҳр операцияси" доирасида уруш ўчоғи – Суриядан олиб келинганлар тўғрисида видеоролик намойиш қилинди.<br>12 август куни Чуст тумани |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Деҳқонобод ҳамда Варзигон МФЙларида ҳам “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида тарғибот тадбирлари ташкил этилди.<br>24 август куни Учқўрғон тумани бош имоми ва манфаатдор ташкилотлар иштирокида Янгиер ва Гулистон МФЙларда «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғоя асосида тайёргарлик ишлари ҳамда “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида маънавий-маърифий давра сухбати ўтказилди. Тадбирда 90 нафар аҳоли иштирок этди.<br>25 август куни Учқўрғон туман ҳокимлиги, РМММ туман бўлинмаси ва ҳуқуқ тартибот органлари ҳамкорлигида “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида “Қумтўғон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 2-сонли умумтаълим мактабида маънавий-маърифий тарғибот тадбири ўтказилди. Учрашувда ислом динининг моҳияти, дин ниқоби остидаги ҳаракатлар, дунёдаги вазият, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик ва бунинг асоси бўлган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик таъминланаётгани ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, учрашувда ёшлар таълим-тарбияси, уларни турли ёт мафкуралар таъсиридан асраш, гиёҳвандлик балоси каби мавзуларда тўхталиб ўтилди.<br>6 сентябрь куни Учқўрғон тумани ҳокимлиги, РМММ туман бўлинмаси ва манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида “Янгиер” маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролари ва 30-мактаб юқори синф ўқувчилари иштирокида ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга оид давра суҳбати ташкил этилди.<br>Шунингдек, “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида ислом |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | динининг моҳияти, дин ниқоби остидаги ҳаракатлар, дунёдаги вазият, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик ва бунинг асоси бўлган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик таъминланаётгани ҳақида сўз юритилди. Учрашувда ёшлар таълим-тарбияси, уларни турли ёт мафкуралар таъсиридан асраш, гиёҳвандлик балоси каби мавзуларда тўхталиб ўтилди. Мулоқот сўнггида мавзуга оид "Сохта даволар" номли видеоролик намойиш этилди. Тадбирда 90 нафар иштирокчи қатнашди.<br>15 сентябрь куни Учқўрғон туман ҳокимлиги, РМММ туман бўлинмаси бўлими ва манфаатдор ташкилотлар иштирокида 9201-сон ҳарбий қисмда “Маънавий-маърифий соати” учрашувлар ўтказилиди. “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида ўтказилган тадбирда одам савдоси, жиноятчилик, диний экстремизмларни олидини олиш бўйича маъруза қилинди.<br>15 сентябрь куни Учқўрғон туман ҳокимлиги, РМММ туман бўлинмаси ва манфаатдор ташкилотлар биргаликда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан маънавий тарғибот тадбирлари ташкил этилди.<br>Учқўрғон тумани ҳокимлиги ва ҳуқуқ тартибот органлари ҳамкорлигида тумандаги “Учёғоч” маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролари ва 3-мактаб юқори синф ўқувчилари иштирокида ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга оид давра суҳбати ташкил этилди.<br>Шунингдек, “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида ислом динининг моҳияти, дин ниқоби остидаги ҳаракатлар, дунёдаги вазият, юртимизда |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик ва бунинг асоси бўлган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик таъминланаётгани ҳақида сўз юритилди. Учрашувда ёшлар таълим-тарбияси, уларни турли ёт мафкуралар таъсиридан асраш, гиёҳвандлик балоси каби мавзуларда тўхталиб ўтилди.<br>28 сентябрь куни Учқўрғон тумани ҳокимлиги, РМММ туман бўлнмаси ва ҳуқуқ тартибот органлари ҳамкорлигида тумандаги “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролари ва 1-сон касб-ҳунар мактаби ўқувчилари иштирокида ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга оид “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида маънавий-маърифий давра суҳбати ташкил этилди.<br>12 октябрь куни Учқўрғон тумани ҳокимлиги, РМММ туман бўлинмаси ва ҳуқуқ тартибот органлари ҳамкорлигида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан тарғибот тадбирлари ташкил этилди.<br>Тумандаги мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга оид давра суҳбати ўтказилди.<br>Шунингдек, “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида ислом динининг моҳияти, дин ниқоби остидаги ҳаракатлар, дунёдаги вазият, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик ва бунинг асоси бўлган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик таъминланаётгани ҳақида сўз юритилди. Учрашувда ёшлар таълим-тарбияси, уларни турли ёт мафкуралар таъсиридан асраш, гиёҳвандлик балоси каби |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | мавзуларда тўхталиб ўтилди.<br>14 октябрь куни Учқўрғон тумани 12-сонли болалар мусиқа ва санъати мактабида вояга етмаганлар ўртасида турли хил ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятни олдини олиш мақсадида, “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбир бошида ўқувчиларга шукроналикка чорловчи видеоролик намойиш этилди. Тадбирда сўзга чиққанлар тарбияга оид фикр мулоҳазаларини билдиришди. Ўқувчилар тадбир давомида ёритилган маълумотлардан сўнг юртимизни, ота-оналарини хамда мактаб шаънини эъзозлаш керак деган хулосага келишди.<br>19 октябрь куни ҳудудларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳит яратиш, ёшлар ўртасида диний ва дунёвий илмларнинг ўзаро боғлиқлиги, ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, жиноятчилик ҳолатларини олдини олиш мақсадида Давлатобод туманидаги 80-сонли умумтаълим мактабида "Жаҳолатга қарши маърифат" шиори остида учрашув-мулоқот ташкил қилинди. Тадбир аввалида "Сароб" номли ҳужжатли фильм намоиш қилинди. Туман ҳокимлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси вакиллари юқоридаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ёшларнинг эртанги келажаги учун барча бирдек ҳаракат қилиши ва ОТМларга кириш соҳасида яратилган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунча беришди. |
| 65. | **279-банд.**<br>Театр санъатини ривожлантириш ва унинг | 1. Вилоятимизда театр санъати соҳасининг фаол ижодкорларини қўллаб-қувватлаш. | 2022 йил август | Давлат бюджети маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Б.Нуритдинов,** | Наманган вилояти маданият бошқармаси томонидан Маданият вазирлигига вилоят мусиқали драма театрининг фаол |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. | 2. Театр санъати соҳасининг фаол ижодкорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этиладиган “Театр санъати миллий мукофоти”га вилоят мусиқали драма театрида кўп йиллар хизмат кўрсатган ходимларни мукофотга тавсия этиш. | | | Маданият бошқармаси **К.Сиддиқов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | ижодкорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўп йиллар театр соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларини “Театр санъати миллий мукофоти”га тавсия этилган.<br>Маълумот учун. Бугунги кунда вилоят мусиқали драма театрининг 4 нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар 1 нафари Дўстлик ордини соҳиби |
| 66. | **280-банд.**<br>Миллий маданиятни халқаро даражада оммалаштиришга қаратилган тадбирларни ҳудудларни ўтказишни жорий этиш. | Наманган шаҳри З.М.Бобур номидаги Маданият ва истироҳат боғида бир йилда бир марта анъанавий тарзда халқаро “Гуллар байрами фестивали”ни ташкил этиш ва ўтказиш. | 2022 йил | Давлат бюджети маблағлари | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Б.Нуритдинов,** Маданият бошқармаси **К.Сиддиқов,** Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-112-сон қарорининг 3а-иловаси 8-бандига асосан жорий йилнинг май ойида “Гуллар байрами” халқаро гуллар фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган.<br>Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 03/1-2022-сон чора-тадбирлар режаси тасдиқланган шу тадбирлар режасига асосан Наманган вилояти ҳокимининг 2022 йил 11 апрелдаги 233-6-0-Q/22-сон қарорига асосан 22-майдан 5 июн кунлари ўтказиш белгиланган.<br>Фестивалнинг бадиий қисмини тайёрлаш бўйича бош режиссёр –<br>Қўчқаров Норқўзи, бош балетмейстер Ходжаева Дилдора томонидан фестивалининг очилиш маросимларига жадал тарзда тайёргарлик ишлари амалга оширилди.<br>Жорий йилнинг 22 май куни Наманган шаҳар Захириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида “Гуллар байрами” халқаро гуллар фестивалининг тантанали очилиши ўтказилди.<br>Халқаро фестивални тантанали |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | очилишида Дилноза Кубаева, Илҳом Абдурахимов, Ўбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Алишер Турдиев, эстрада хонандаси Хамдам Собиров, Ориф Эргашев, Умид Бобараҳимов, Рухшона Ўралова, Абдурахим Боқижонов, Камрон Мамадалиев, Шахноза Якубжановалар тадбирга жалб этилди.<br>Шунингдек, "Гуллар байрами" халқаро гуллар фестивали доирасида Афсоналар боғида Ўзбекистон миллий симфоник оркестрини "Очиқ осмон остида" деб номланган концерт дастури, вилоят мусиқали драма театрида Тошкент шаҳридаги Рус миллий драма театри томонидан спектакллар номйиши ҳамда Фарғона водийси модалар ҳафталиги кунлари ташкил этилди.<br>Шунингдек, "Гуллар байрами" халқаро гуллар фестивалини ёпилиш маросими Жорий йилнинг 5 июн куни Афсоналар боғида ўтказилди.<br>Наманган Гуллар фестивали! 14 кун давомида гуллар шаҳрига<br>2,5 миллион маҳаллий, 31 та давлатдан хорижий сайёҳ ташриф буюрди. |
| **VI. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШИШ** | | | | | | |
| 67. | **306-банд.**<br>**Норасмий ишлаётган 30 672 минг нафар фуқарони бандлигини легаллаштириш**га ёрдам бериш орқали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш. | **2. Халқ депутатлари** туман (шаҳар) кенгашлари ҳузурида **ишчи гуруҳлар** ташкил этган ҳолда, корхона ва ташкилотларда **30 672** нафар ходимлар билан **меҳнат муносабатларини расмийлаштириш**, уларга **иш ҳақи ҳисоблаш**, иш ҳақидан **солиқлар ва ижтимоий тўловлар** тўланишига амалий ёрдам кўрсатиш. | **2022 йил** ноябрь | Ҳисоб-китоблар асосида | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,**<br>Халқ депутатлари вилояти кенгаши котибияти **Р.Абдуллаев,**<br>Давлат солиқ бошқармаси **А.Тиллаволдиев,**<br>Бандлик бошқармаси **Р.Расулов** | Жорий йилда жами 30 минг 672 та иш ўринларини легаллаштириш режалаштирилиб, амалда 33 минг 880 та режага нисбатан 110,5 фоиз иш ўринлари легеллаштирилди. |
| 68. | **310-банд.**<br>Ҳунармандчилик | 1. Аҳолини **ҳунармандчиликка жалб** | 2022 йил февраль | Банк кредитлари | Вилоят ҳокимининг биринчи | Ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 2022 йил январь-ноябрь ойларида |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | фаолиятини ривожлантириш. | **қилиш** тизимини такомиллаштириш ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш.<br>ташқи ва ички бозорларда ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосини ривожлантириш, соҳа учун зарур бўлган хом-ашё базасини мустаҳкамлаш ва **«уста-шогирд»** муносабатларини рағбатлантиришнинг яхлит тизимини яратиш;<br>ҳунармандчилик фаолияти субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш;<br>**«уста-шогирд»** мактаблари битирувчиларининг мустақил фаолиятини ташкил этишига ҳар томонлама кўмаклашиш, жумладан уларни асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича қўшимча енгилликлар яратиш;<br>ҳар бир туман ва шаҳарда, шу жумладан ихтисослашган маҳаллаларда ҳунармандчиликнинг **«драйвер»** йўналишларини ривожлантириш ҳамда соҳада кооперация ва кластерлар фаолиятини жонлантириш;<br>тижорат банклари томонидан олдинги йилларда ҳунармандларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг сўндирилган қисмини фақат | | | ўринбосари **Т.Юсупов,**<br>Савдо-саноат палатаси **Қ.Джамалов,**<br>«Ҳунарманд» уюшмаси **Ж.Валиев,**<br>Молия бошқармаси **З.Бахриддинов,**<br>Давлат солиқ бошқармаси **А.Тиллаволдиев,**<br>Бандлик бошқармаси **Р.Расулов,**<br>Марказий банк бошқармаси **Д.Алиев,**<br>«Халқ банки» АТ **Ш.Турдиев,**<br>«Микрокредитбанк» АТБ **А.Даминов,**<br>«Агробанк» АТБ **И.Жўраев,**<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | 40 та ҳунармандларга 2738 млн. сўм креди тмаблағлари ажратилди.<br>Ташқи ва ички бозорларда ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосини ривожлантириш, соҳа учун зарур бўлган хом-ашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси “савдо уйлари” ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари дўконларини ташкил этиш борасида Латвия, Литва, Белгия, Миср Арабистон ва Озарбайджон республикаларининг элчи хоналари билан музокаралар ўрнатилди. Бундан ташқари “Ҳунамранд” уюшмаси Наманган вилояти бошқармасининг craftshipman.com электрон тижорат веб – сайтлари ташкил этилган ва ушбу сайтга ҳунармандчилик маҳсулотлари жойлаб борилмоқда. Ҳозирда ушбу дўконда 100 дан ортиқ ҳунармандчилик маҳсулотлари мавжуд.<br>1.2 ҳунармандчилик фаолияти субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сон қарорига асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб “Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари учун ижтимоий солиқ ставкасини йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгиланганлиги;<br>фаолият юритиш жойидан қатъий назар коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлашни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳунармандчилик лойиҳаларини молиялаштиришга қайта йўналтириб бориш;<br>ҳунарманд ўз фаолиятини бошлаши учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидиялар ажратиш тартибини белгилаш;<br>ҳудудларда намунавий типдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонлари ташкил қилиш. | | | | шартлар асосида амалга оширилиши бўйича “Ҳунарманд” уюшмасининг шаҳар ва туман бўлинмаларига келаётган янги ва қайта аъзоларига берилган имтиёзларини тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек вилоятимиздаги “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо бўлган 7743 нафар ҳунармандларга алоқа компаниялари ёрдамида имтиёзлар тўғрисида СМСлар юборилди. Бундан ташқари вилоятимиздаги 780 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларига имтиёзлар акс эттирилган плакатлар ёпиштирилди ҳамда буклетлар таёрланиб тарқатилди. 2022 йил 20 январ куни Давлат солиқ бошқармасига NA-02/21-сонли, “Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖга NA-02/18-сонли, “Ҳудудгаз Наманган” газ таъминоти филалига NA-02/20-сонли ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасига NA-02/19-сонли ҳунармандлар учун имтиёзлар қўллаш бўйича хатлар юборилди ва бу имтиёзлар қўлланилиб келинмоқда.<br>1.3 “Уста-шогирд” мактаблари битирувчиларининг мустақил фаолиятини ташкил этишига ҳар томонлама кўмаклашиш, жумладан уларни асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Республика “Ҳунарманд” уюшмаси билан ҳамкорликда, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан ҳунармандчилик |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | фаолияти учун субсидиялар ажратиш ТАРТИБИ ишлаб чиқилмоқда.<br>1.4 ҳар бир туман ва шаҳарда, шу жумладан ихтисослашган маҳаллаларда ҳунармандчиликнинг “драйвер” йўналишларини ривожлантириш мақсадида Чуст тумани марказидаги маҳаллаларида “Чуст дўппичилик” соҳасини ривожлантириш ҳамда Наманган шаҳрининг Яккасада маҳалла фуқаролар йиғинида “Ёғочдан тайёрланган халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари йўналиши”ни ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда бундан ташқари ҳунармандчилик соҳада Наманган шаҳрида умумий қиймати 1 млрд. сўмлик хотин-қизлар фаолиятини юритадиган “Namangan hunarmand ayollar klasteri” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.<br>1.5 Тижорат банклари томонидан 2020 йилда 74,3 млрд. сўм 2021 йилда 4,6 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилган. Ушбу ажратилагн кедитларни ҳунармандлар томонидан ўз вақтида қайтарилмоқда. 2022 йил учун 43 млрд сўмлик 639 та лойиҳа шакллантирилди. Кредит олиш истагини билдирган ҳунармандларни oilakredit.uz платформасидан рўйхатдан ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунда 41 та лойиҳага 3,7 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди.<br>1.6 ҳунарманд ўз фаолиятини бошлаши учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидиялар ажратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Республика “Ҳунарманд” уюшмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда.<br>1.7 “Ҳунарманд” уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси ПҚ-77-сонли қарорининг 7-бандини ижросини ўз вақтида самарали таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг 24 январ куни NA-02/23-сонли мурожаат хатини Наманган шаҳар ҳокимлигига юборилди. Бунда, Наманган шаҳридаги “Мулла қирғиз” мадрасасининг олд қисми майдонининг ён атрофларига ҳунармандчилик савдо павильонини ташкил этиш таклиф берилди. |
| 69. | **313-банд.**<br>**Хавфсиз, ташкиллаштирилган хорижий меҳнат миграцияси**га фуқароларни юборишни ташкил этиш, хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга манзилли кўмак кўрсатиш. | **1.** 2022 йилда камида **5,6 минг** нафар фуқароларни ишга жойлаштиришни таъминлаш;<br>- Хорижга юборилаётган **5,6 минг** нафар фуқароларни ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш полислари харажатларини қоплаб бериш<br>**- 800** нафар фуқарога имтиёзли микрокредитлар ажратиш. | 2022 йил | Ўз маблағлари<br><br>**1 880 млн** сўм Хориждаги фуқароларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат жамғармаси? | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,**<br>Бандлик бошқармаси **Р.Расулов**,<br>Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг вилоят филиали **М.Апақов**<br>Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 4713 нафар фуқаролар ташкиллаштирилган тартибда хорижий (Россия Федерациясига<br>3916 нафар, 797 нафар бошқа) давлатларга ишга юборилди.<br>Уларнинг хорижга юборишдан аввал кетиш олди тушунтириш, тарғибот ташвиқот ишлари ўтказилиб, хамкор ташкилотлар билан биргаликда имтиёзли хизматлар кўрсатилди.<br>Хусусан, 1214 нафар хорижий давлатларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларга микроқарзлар берилди, 25408 нафар фуқароларга мигрантлар ҳаёти ва солиғи учун 1270,4 млн.сўм субсидия маблағлари асосида суғурта полислари расмийлаштирилди. |
| 70. | **314-банд.**<br>**Меҳнат миграциясидан қайтиб келган** фуқаролар бандлигини таъминлаш ва **реинтеграция** қилиш | **1.** Хориждан қайтган фуқаролар касб ва кўникмалари бўйича ўрганишлар олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касб ва кўникмаларга қайта тайёрлашга | 2022 йил | – | Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Т.Юсупов,**<br>Бандлик бошқармаси **Р.Расулов**,<br>Иқтисодий тараққиёт | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | чораларини кўриш, **“Ўз келажагимга ўзим инвестор”** лойиҳасини самарали амалга ошириш. | эҳтиёж, тадбиркорликка жалб этиш имкониятларини кўриб чиқиб, манзилли дастурлар тайёрлаш.<br>**2**. Тасдиқланган дастур асосида **14,5 минг** нафар хориждан қайтган фуқароларни доимий ва вақтинчалик иш ўринларига ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ҳамда тадбиркорликка жалб қилиш.<br>- **“Ўз келажагимга ўзим инвестор”** лойиҳаси доирасида хорижда ишлаб келган ва ватанида тадбиркорлик қилмоқчи бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш.<br>**10 850 нафар** меҳнат мигрантларини доимий ишга жойлаштириш ва ўз-ўзини банд қилишда амалий ёрдам кўрсатиш.<br>**2. 900 нафарини** тадбиркорликка жалб қилиш ва кредит ажратилишида кўмаклашиш *(шундан 500 нафарини тадбиркорлик ва молиявий саводхонликка ўқитиш).*<br>**3. 600 нафарига** субсидия маблағлари ажратиш орқали бандлигини таъминлаш.<br>**4. 2 150 нафарини** касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш. | | –<br><br>Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси<br><br>**2,3 млрд.сўм**<br>*(Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси)* | ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси **И.Абдуғаниев**, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси **Н.Абдуллаев**, Молия бошқармаси **З.Бахриддинов**, Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари | тўғрисида”ги 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сон қарори ижросига мувофиқ Чуст тумани 1-сон касб-хунар мактаби негизида ташкил этилган. Марказда 9 та йўналишда касб хунарга ва қайта тайёрлаш учун 3-4 ойлик курслар ташкил қилинган. Марказнинг 2022 йил сақлаш харажатлари учун жами 3 101,3 млн. сўм режалаштирилган, шундан 1-гуруҳ харажатлари учун 1 541,8 млн. сўм,<br>2-гуруҳ харажатларига 384,5 млн. сўм,<br>4-гуруҳ харажатлари учун 1 175,0 млн. сўм маблағлар режалаштирилган. Марказ тингловчиларини амалиёт ўташи учун хом ашё сотиб олиш харажатларига 332,6 млн. сўм, тингловчиларни яшаш харажатлари учун 650,7 млн. сўм, ўқув машғулотида фойдаланиладиган техникаллар учун ёқилғи харажатлариги 25,5 млн. сўм ва бошқа харажатлар учун 166,2 млн сўм маблағлар режалаштирилган. Жорий йилнинг 21 декабр ҳолатига марказ томонидан иш хақи ва унга тенгалаштирилган тўловлар учун 912,8 млн. сўм, 2-гуруҳ харажатларига 228,3 млн. сўм, 4-гуруҳ харажатлари учун 841,7 млн. сўм жами 1 982,8 млн сўм маблағлар сарфланган.<br>Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган меҳнат мигрантлари ҳисобини юритиш, уларнинг оиласи билан тизимли иш ташкил этиш, хориждан қайтиб келган фуқаролар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳамда уларнинг меҳнатга лаёқатли оила аъзоларини ички меҳнат бозорида бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш ва касбий малакасини ошириш масалалари юзасидан идоралараро ҳамкорлик тўғрисида Оила ва хотин–қизлар, Бандлик, Маҳаллабай ишлаш ва |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | тадбиркорликни ривожлантириш, Ёшлар ишлари агентлиги, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармалари ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилояти ҳудудий филиали билан биргаликда меморандум имзоланган.<br>Мазкур меморандум ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси асосида иш ташкил этилмоқда.<br>Ўтган даврда 53,9 минг нафар фуқаролар хориждан қайтиб келган бўлиб, 5,7 минг нафари хотин-қизлар, 22,3 минг нафари ёшларни ташкил этган.<br>Уларнинг 31 минг нафари Россия Федерациясидан, 11,9 минг нафари Қозоғистондан, 2,1 минг нафари Туркиядан, 0,6 минг нафари Кореядан ва 8,3 минг нафари бошқа давлатлардан қайтган.<br>Имзоланган Меморандум асосида ҳамкор ташкилотлар томонидан<br>53,9 минг нафар қайтган мигрантлар мониторинги ўтказилган ва кўрсатилган хизматларга кўра, хориждан қайтган 43,2 минг нафар фуқаролар бандлиги таъминланган. Уларнинг 14,7 минг нафари Бандлик хизматлари кўрсатиш орқали бандлиги таъминланган.<br>Шундан, 2750 нафари бўш иш ўринларига, 1000 нафари хақ тўланадиган жамоат ишларига, 6662 нафари ўзини-ўзи банд қилинган. 578 нафари тадбиркорликка жалб қилиниб, кредит ажратилишида кўмаклашилган. 819 нафари субсидия бериш орқали бандлиги таъминланган, 2906 нафари касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш орқали бандлиги таъминланган.<br>Бундан ташқари, 2692 нафари мустақил равишда ишга жойлашган,<br>1029 нафари ўз тадбиркорлигини орқали, |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 24789 нафари норасмий секторда банд бўлганларни ташкил этган.<br>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ 4829-сонли қарори ижроси ва хориждан қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш ишларини шаҳар ва туманлар секторлари ҳамда маҳаллалардаги 5 лик томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш мақсадида вилоят ҳокимининг 2022 йил 14 октябрдаги № 01/10-4698-сонли топшириқ хати асосида 20 октябрдан - 28 ноябргача тасдиқланган график бўйича барча шаҳар ва туманларда ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларнинг аксарияти жойида бартараф этилди ва масъулларга амалий кўмак ва тавсиялар берилди.<br>Амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилди. |
| **VII. МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ** | | | | | | |
| 71. | Ҳар бир маҳаллани ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликдан холи худуд (тоза ҳудуд)га айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш, ҳар бир фуқаро онгида **“Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”** деган туйғуни шакллантириш. | **1.** Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида жамоатчилик асосида фаолият олиб борувчи комиссияларни аниқ режаларини ишлаб чиқиш, ушбу асосида аҳоли орасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш бўйича кенг тарғибот ишларини олиб бориш.<br>**2.** Фуқаролар йиғини йиғилишларида профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш ҳамда “Профилактика куни” тадбирларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш.<br>**3.** Ҳар бир жиноят ёки | Доимий | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари **А.Мансуров,** Вилоят ҳокимлигининг гуруҳ рахбари **М.Қутпиддинов,** Ички ишлар бошқармаси **А.Атаходжаев,** Туман (шаҳар)лар, сектор раҳбарлари | Маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари томонидан аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарларни камайтириш вав олдини олиш, жиноятларни содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида йиллик, чораклик ва ойлик иш режалари ишлаб чиқилган. Мавжуд 788 та маҳаллаларда ишлаб чиқилган режа асосида маҳалла фуқаролари ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.Ўтган 12 ой даврида 1105 та фуқаро махсус муассаларга жойлаштирилган. 41297 та фуқаролар билан сухбатлар ўтказилди. МФЙ раисининг ҳуқуқтарғибот масалалари бўйича ўринбосарлари билан ҳамкорликда 17436 та фуқаролар турли хисобга олинди. Суринкали ичувчи ва |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳуқуқбузарлик содир этилган куннинг ўзида кенг жамоатчилик иштирокида ибрат намунасида уялтириш “жамоатчилик иззаси” ишларини амалга ошириш.<br>**4.** Оғир турдаги жиноятлар содир этилишини олдини олишда ҳуқуқ-тарғибот идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш. | | | | гиёхвандлардан 423 нафари мажбурий даволашга ёткизилди. МФЙ раиси ва уни ҳуқуқтарғибот масалалари бўйича ўринбосарлари томонидан 727 та ташкилот ва корҳоналарга тақдимномалар киритилган. 39812 маротаба даврa суҳбатлари ўтказилди. Таълим муассасаларида 17503 маротаба, 4399 та корхона ва ташкилотларда, 19852 маротаба аҳоли ўртасида сухбатлар ўтказилди.<br>Хафтанинг хар пайшанба куни профилактика куни тадбири ўтказиб келинмоқда тадбирга 3725 нафар ИИО ходимлари, хуқуқни мухофаза этиш тизими ҳодимлари, ташкилот ва корхоналардан ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ва жамоатчилик жалб этиб борилмоқда.Ушбу куни жами шу кунгача 2428 нафар ИИОда хисобда турувчи шахслар билан профилактик ишлар олиб борилди. 64320 та хонадонларга кириб кўрилди. 31334 та транспорт воситалари текширилди. 10235 та яшаш жойидан ишлаш ва ўқиш ёки бошқа мақсадларда четга кетанлар, 8893 та қайтиб келганлар аниқланди. Жами турли мавзуларда 38207 маротаба аҳоли билан тушунтириш ишлари олиб борилди 9923 та корхона ва ташкилотларда, 6732 та мактабларда, 16893 та маҳалаларда.<br>Бундан ташқари 1632 та жиноят ва хукук бузарликлар юзасидан, 1658 та вояга етмаган ва ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш юзасидан, 1452 та паспорт виза тизими қоидаларига риоя этиш юзасидан, 1325 та йўл харакати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан суҳбатлар ўтказилди. |
| 72. | **325-банд.**<br>Фуқароларнинг ахборот коммуникация | 1. Турли ёш тоифаси учун мўлжалланган ўқув курслари ҳамда онлайн дастурларни | 2022 йил сентябрь | Ҳисоб-китобларга кўра | Ахборот ва оммавий коммуникациялар | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш. | оммалаштириш.<br>2. Халқ таълими ва профессионал таълим тизимининг тегишли дарсликларига медиа саводхонлик бўйича мавзуларни жорий қилиш. | | | агентлиги вилоят бошқармаси **А. Эргашев**, Халқ таълими бошқармаси **Р. Исраилов**, Олий таълим муассасалари, Касбий таълимни ривожлантириш бошқармаси **Б. Тожиматов** | |